

БАҲРОМ ЖАЛИЛОВ

НАВОИЙ ВА БОБУР

Андижон – 2007

Ўқув қўлланма Андижон Давлат университети
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Масъул муҳаррир: доц.А.Жўрахонов

Такризчилар: филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Солиҳова
Филология фанлари доктори: Д.Қуронов

Рисола Навоий ва Бобурнинг ҳаёт, ижод йўлларидаги муштарак ва ўзига хос хусусиятлар истиқлол ғоялари асосида ўрганилган. «Бобурнома»даги Навоий ҳақидаги маълумотлар келтирилиб, уларга муносабат билдирилган. Рисола Навоий ва Бобур ижоди ихлосмандлари адабиёт муаллимлари, талабалар учун мўжжаллаб ёзилган.

Икки тоғ, икки чўққи. . .

Биринчи навбатда миллий маданиятлар, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Бизнинг вазифамиз –шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш.

И.А. Каримов

Тоғлар бағрида яшаётган одамлар ўша тоғларнинг не чоғлик улуғворлигини хис эта бермайдилар. Улар тоғлардан узоклашгач, тоғлар бутун салобати, виқори билан, буюклиги билан равшан кўрина бошлайди.

Навоий ва Бобур ижоди ҳам ана шундай тоғларга, чўққиларга ўхшайди.. Улар яшаган давр билан бизнинг давримизни беш ярим асрдан ортиқ вақт ажратиб турибди. Давр ўтган сари бу икки буюк ижодкор ижоди не чоғлик буюк экани тобора ёрқинроқ кўринмоқда.

Истиқлол шўро сиёсати кўз ўнгимизда пайдо қилган пардаларни, булутларни йўқ қилдики, улар ижоди қанчалар буюклигини янада равшанроқ, теранроқ хис қилмоқдамиз.

Ўзбек мумтоз адабиёт-узоқ ва теран тарихга эга унинг бағрида минглаб етук ижодкорлар бор. Уларнинг ҳар бир-бир хазина мисол. Аммо серқирраликда, сермахсулликда, бадий баркамолликда Навоий Бобур ижоди бетакрордир.

Илмий ва бадий ижод оламида шундай ижодкорлар бўладики, улар, энг аввало, ўз халқининг асл фарзанди, миллатнинг фахр ва ифтихори бўлиш билан бирга, бир мамлакат, бир миллат доирасидан чиқиб, умумбашарий ахамият касб этадилар. Навоий ва Бобур ана шундай сиймолар сирасига киради.

Улар серқирра талант соҳиблари бўлсаларда, мумтоз адабиёт тарихидаги бош хизматлари алоҳида ажралиб туради. Навоий мумтоз адабиёт тарихида **лирик, эпик поэзияни** энг юқори чўққига олиб чиққан бўлса, Бобур **ўзбек насри** тараққиётида янги саҳифа очди.

Бадий ва илмий ижоддаги ғоявий йўналишлар билан ижодкор ҳаёт тарзи ҳамиша мос кела бермайди. Навоий ва Бобурнинг буюклиги ижодаки, уларнинг ижоди ва ҳаёт тарзи шу қадар моски, бундай хусусият ҳаммага ҳам насиб эта бермайди.

Бу икки даҳо ижодкорлар бир замонда яшаган бўлса-да, уларга учрашиш насиб этмайди. Шунга қарамасдан, уларга ҳаёт йўлларида, ижодида жуда кўп боғлиқлик, муштарак ва ўзига хос хусусиятлар мавжудки, уларни кўздан кечириш нақадар завқлидир.

Бу икки буюк ижодкорлар бир умр бир-бирига интилиб яшагандай. Уларнинг ҳаётий алоқасида Навоий ташаббускор бўлди. У Бобурга мактуб йўллаб, шеърларидан юборишини мансуб шоирлар ижодига қизиқиш билан қараган, улар ижодини ўрганган. Ўлим бу икки даҳо ижодкорларни Афғон тупроғи бир-бирига яқинлаштирди.

Қиёсий таҳлилнинг фазилати шундаки, у орқани ижодкорлар ҳаёт ва ижодига тўлароқ ва теранроқ киришга, у ёки бу асарнинг яратилиши тарихини чуқур билишга, ижод сирларини пухта ўрганишга имкон туғилади. Бу масалада Навоий ва Бобур ҳаёти ва ижоди қизиқарли маълумотлар беради.

Европада шундай гап бор: Гёте ва Шекспир ижодини бўлмаган одам зиёли саналмайди. Шу фикрга ўхшаш шундай гап айтиш мумкин: Ўзбекистонда Навоий ва Бобурни бўлмаган одам зиёли саналмайди. Чунки улар умуминсоний кадриятларни куйлаган, жаҳон тан олган ижодкорлардир. Рус академиги Конаднинг шундай гапи бор. «Келинг Алишер Навоийдек шоир бўлгани учун қувонайлик. Бизга шундай шоирни армуғон қилган ўзбек ҳаққига раҳматлар айтайлик. Навоийни фақат ўрганмасдан тадқиқ этмасдан, уни ўқиб ҳам юрайлик»

Неру ўзининг «Хиндистоннинг кашф этилиши ва «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида: «Бобур-дилбар шахс. Уйғониш даврининг тилини ҳукмдори, мард ва тадбири одам бўлган. Бобур шу пайтгача ўтган маданияти ва жозибадор инсонлар орасида энг етуқларидан бири эди», - деб ёзган.»

Навоий ва Бобур ҳаёти, ижодидаги муштарак хусусиятлар

«Шарқ адабиётнинг ҳашаматли, рангли бир тарихи бор. Бу дабдаки таризнинг олдидан ўтганда, бу унга Овропо адабиёти ҳам шапкасини олиб, салом бериб ўтадир, шунга ўзини мажбур кўради. Шарқ адабиёт бутун дунё адабиёти орасида сингирсиз-мисли йўқ бир адабиётдир»

Фитрат.

Ҳар бир ижодкорнинг фақат ўзигагина хос бўлган ижодий тамойиллари, ўзигагина хос бўлган ижодий хусусиятлари бўлиш билан бирга данёқараш, илм ва ижод савиясиси жиҳатидан яқин бўлган ижодкорлар ҳаёти ва ижодида муштарак, умумий хусусиятлар ҳам мавжуд бўлади.

Навоий ва Бобурнинг бир замонда яшаши, Темурийлар салтанати равнақи йўлида кураши, илм ва бадий ижоддаги салоҳиятининг кучлилиги каби омиллар сабабли улар ҳаёт ва ижод йўлида ўхшаш, муштарак томонлар кўплаб учрайди.

Бу икки ижодкор **февраль ойида таваллуд топганлар.** Ҳар йили 9 февраль Навоийнинг 14 февраль Бобурнинг туғилган куни сифатида кенг нишолланади. Ҳар йили бу ойда Республика маданий ҳаётида жонланиш, тозаланиш, янгиланиш кўзга ташланади..

1957 йилдан буён ҳар йили 9 февралда республика миқёсида Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуман ўтказиш анъанага айланган. 80 –йилларда Андижон зиёлилари Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси, Қўлёзмалар институти билан ҳамкорликда 14 февралда Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуман ўтказишга қарор қилдилар, бу анжуманни анъанавий анжуманга айлантирмоқчи бўлдилар.

Бундай анжуман 2 марта Андижон шаҳрида юқори илмий савияда ўтказилди. Аммо ўзкомпартия мафкура котибасининг Андижонда ўтказган мафкурага оид анжуманида бу иш қаттиқ қораланди. Шу билан бу анжуман барҳам топди. Истиқлол Бобур ижодига тўғри ва одил қарашга йўл очди. Ана шу анжуманни қайта таклашга вақт етди.

Навоий ва Бобур –ҳокимларнинг фарзандлари. Навоийнинг отаси /иёсиддин Муҳаммад (кичкина, бахши) Абдулқосим Бобур отаси замонида Совзор шаҳрининг ҳокими эди. Бобурнинг отаси эса Умаршайх Мирзо Фарғона вилоятининг ҳокими эди.

Бу икки шоирнинг исми ва таҳаллуси шерга боғлиқдир. Навоийнинг исми масаласи истиқлолгача бошқача шарҳланди. Масалан, Азиз Қаюмовнинг «Алишер Навоий» номли китобида шоирга қўйилиши масаласи шундай берилган.

Хонанинг эшиги қия очилиб, Алининг боши кўринди. /иёсиддин унга тура тур дегандек ишора қилиб, машғулотда давом этди. Али хонанинг эшигини беркитиб ташқарида қолди. Бир оз фурсат ўтгач, хонадаги кишилар чиқиб кетишди. Шундай сўнг Али хонага кириб /иёсиддин билан кўришди. Алининг чехрасида шодлик ифодаси зуҳр этиб турар, поччасининг хизмат сафаридан қандай қайтганини сўраб ўлтирмасданок гап бошлади:

-Суюнчи берасиз, почча, хушхабар олиб келдим. Олло таоло сизга фарзанд ато қилди ўғил!

Бугун сахар вақти опамизнинг кўзлари ёриди,- деди Али.

/иёсиддин азбаройи хурсандлигидан ўрнидан туриб кетди. Али ҳам ўрнидан турди. /иёсиддин дарров белидаги олтин билан зийнатланган сербезак камарини етиб Алининг белига такди. Яхши хабар келтиргани учун уни дуо қилди. Қайтадан ўтиришди. /иёсиддин қайтишни саволга кўмиб ташлади. Али барча саволларга батафсил жавоб берди. Дояларнинг гапича чақалоқ соғлом, онасининг аҳволи яхши. Ховлида катта хурсанчилик. Мунажжим домла идрис аллақачон фол очиб боланинг бахтли юлдуз остида дунёга келганини билдирди. Хамма отанинг йўлига мутазира.

/иёсиддин шодлик тўла қўлларини Алидан узмас. Унинг сўзларини жон-қулоғи билан тинглар эди. Алини яхши кўрар эди. Унинг хуш хулқ хуш таъб ва дардмаднд йигит экани шеър ёзиш ва чолғучилик маҳорати ва хаттотлиги ўз мақсадлари йўлидаги ихлос ва садоқати /иёсиддинга маъқул эди.

-Раҳмат сизга ғоят миннатдорман иним,-деди /иёсиддин. Илоҳи умрингиз узоқ бўлсин. Яхши соатда хушхабар келтирдингиз. Жиянингизни сизни

номингиз билан атаймиз. Сиздай шоир ва фозил одам бўлсин. Яна шер ҳам кўшамиз шердек қудратли жасур бўлиб ўсин.

Фарзандимизнинг номи Алишер номи бўлади.¹

Аслида эса /иёсиддин Муҳаммад ўғли Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири алига ўхшадини орзу қилиб, ўғлига Али номини кўйган. Исмини иккинчи қисмини ҳам Алига дахлдордир. Муҳаммад Алайҳиссалом Алининг кофирларга қарши жангдаги жонбозлигини кўриб: «У Оллоҳнинг шери-дер эди.»

Гарчанд Алишер жангчи бўлиб етилмаган бўлса-да шеъриятнинг шери бўлиб ном қозонди. Алишер ҳаёти давомида бир марта қилич ушлаган. Ёдгормирзони урган пайтда ҳеч ким саройга киришга журъат етмайди. Шунда Навоий сарбознинг қиличини олиб хасса сингари ерга тираб деворга йўл бошлайди. Шу тариқа маст бўлиб ётган Ёдгор мирзо хибсга олинади.

Навоийнинг таъкидлашича, Низомий ва Хисрав Деҳлавийлар гул узган чаманга кирмоқ учун шеъриятнинг шери бўлиш керак, ақлли йўлбарси бўлиш керак.

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ
Низомий панжасига канжа урмоқ
Керак шер олида ҳам шери танга
Агар шер ўлмаса бор паланчи

Фахр билан айта оламизки, Навоий Низомий панжасига дадил панжа уриб, шеъриятнинг шери бўлди. Ўз «Хамса»си билан «Хитодин Хуросон»чага бўлган жойларни «тахти фармони»га олди.

Олибмен тахти фармонимга осон
Чирин чекмай Хитодин то Хурсон

Шуниси аҳамиятлики, Навоий «Хамса» ёзишда устозларига хурмат билан қараш билан бирга, ўрни билан уларни беомон танқид қилади.

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлим
Қўлдаса Хисрав ила Жомий қўлим

Хисрав тимсоли талқинида салафлар хато қилганини шундай ёзади:

Веле чекканлар ушбу жомдин роҳ
Саросар бўлдилар Хисравга маддох

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Навоий Хисрав тимсолига муносабатда Низомий Ганжавий ниятини тўғри тушунмайди. Навоий тарихий шахс бўлган эрон подшоси Хисрав тарихини яхши билади. «Тарихи мушлуки Ажаш» китобида унинг тарихини беради. Навоий худбин, золим, маишатпарас, хотинбоз Хисравни Низомий достонида чинакам ошиқ сифатида берилигини маъқулламайди.

Низомий Ганжавий «Хисрав ва Ширин» достонида тарихий Хисравдан фойдаланиб ўзи орзу қилган шоҳ тимсолини бермоқчи эди. Унинг мақсади тарихий Хисравни бериш эмас эди. Низомий достонида 2

¹ А. +аюмов Алишер Навоий Тошкент «Ёш гвардия» 1976 йил 6-7 бетлар

хил Хисравга монанд бўлса, Ширинга уйлангандан кейинги Хисрав Низомий орзусидаги шоҳ тимсоли эди.

Ёки Баҳром тимсоли талқини кўриб, Низомий «Панж ганж» и «ганж» эмас дейишга етиб боради:

Оллоҳ, Оллоҳ не ганж ўлғай бу
Сабрасар элга рани ўлғай бу

Ҳа, бундай фикрларни шеърятнинг шери айта олади.

Навоийнинг Баҳром тимсолига бундай муносабанинг сабаби шундаки, унинг уқтиришича эртадан кечгача май ичган одамга ҳикоя айтишнинг хожати йўқ: ўз-ўзидан ухлаб қолади. Иккинчидан, Баҳромдек шоҳга каказамкор ҳикоя айтиб, маълум қила оладими? Навоий асарида шоҳга ҳикояларни канизаклар эмас, мусофирлар айтади.

Бобур таҳаллуси ҳам шер маъносини беради. Умаршайх хонадони беҳор фаслида қир-адирларга чиқади. Бир маҳал қарашса, Заҳириддин даврада йўқ. Хизматкорлар, энагалар атрофида излай бошлайдилар. Бир қир ошиб қарашса, Заҳириддин шер болалари билан очомлашиб ўйнаб ётибди. Шундан бошлаб уни «Бобур» деб эркатлаб бошлайдилар. Кейинча бу шоирнинг таҳаллусига айланган.

Навоий ва Бобур таҳаллуслари аввал бошқача шарҳланиб бугун эса бошқача тушунилмоқда. «Наво» сўзи бағрида куй, сараси, бахт баҳра маънолари бор. Навоий бу маъноларни ўз шеърларида кенг қўллаган.

Куй маъносидаги байт:

Навоий банаволиғ бирла доим май ичар бу кун
Наво нақшини даврон мутриби базмида чолғай деб.

Сайрат маъносидаги байт

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро
Гулдек ул рокиъ кеча, булбул каби бедор субҳ

Бахт маъносидаги байт :

Навосиз улуснинг наво баҳши бўл
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл

Баҳра маъносидаги байт:

Даҳр боғида бўкиб коминг рово
Комронлар топти назмидин наво

Навоийшуносликда шоир таҳаллуси «куй» маъносидан олинган, деган фикр кенг тарқалган. И. Султон эса шоир таҳаллусига «Баҳра» сўзи асос бўлганини тўғри кўрсатган. Бутун улуши эл-юртга фойда, каър, баҳра етказишга бағишланган шоир ўз таҳаллусига «баҳра» сўзини асос қилиб олгани шубҳасиздир. Шоирнинг ўзи ҳам буни уқитириб, юқоридаги байтни келтирган.

Шоир тахаллусининг маъноси мунозараси бўлгани каби талаффузи ҳам мунозаракидир гарчанд шоир тахаллуси Навоий тарзида ёзилиб, айтилиб келинаётган бўлса ҳам, бундай талаффуз жаддий қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун шоир тахаллусини кимдир. «Навоий» тарзида, кимдир «Навоий» тарзида талаффуз қилади.

Юқоридаги ҳолатни ҳисобга олиб, А. Рустамов шоир тахаллусини «Навоий» тарзида айтиш ва ёзишни таклиф қилса, Н Жумаев эса «Навоий» тарзида айтиш ва ёзишни таклиф этади.

«Наводир-уш шабоб»нинг Техрон нусҳасида шоир дасҳати мавжуд бўлиб, унда шоир тахаллусини «Навоий» тарзида берган.

Бобур тахаллуси ҳам 1983 йилга қадар «Бобур» тарзида айтилар ва ёзилар эди. Шоир тахаллуси ўз шеърларида, рус, турк адабиётшунослари томонидан «Бобур» шаклида ёзилиб, айтилиб келинар эди. 1983 йили адабиётшунос А. Абдуғофуров «Ўзбекистон маданияти» газетасида шу масалага оид мақола эълон қилиб, шоир тахаллусини «Бобур» шаклида ёзиш ва айтиш таклиф этади. «Бобур» шакли тўғри эканини исбот этади.

Олим «/иёс-ул-луғат» китобида йўлбарс сўзи _____ шаклида, яъни иккинчи «б» тобуш устида __ (вов) берилгани келтириб, бу ҳолатда, албатта, «Бобур» ўқилиши тўғри экани уқтиради.

Иккинчидан, Бобур бир рубойсида ўз тахаллусини бералики, унда «Бобур» эканига шак-шубҳа қолмайди.

Шеъринг эшитиш орзусин Бобур қилди,
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди.
Кўзки ёруғ айлади саводи бирла,
Мазмуни бирла кулоқни пудур қилди.

Қофия бўлаётган сўзларга эътибор берилса, «путур», «тасаввур» сўзлари иккинчи бўғинида «у» товуши келар экан, қофия илмига кўра биринчи мисрадаги қофияда ҳам иккинчи бўғинда «у» товуши келиши аниқдир. Демак, шоир тахаллуси «Бобур» эканлигини шоирнинг ўзи ҳам тасдиқламоқда.

Навоий ва Бобур ижодидаги муштарак хусусиятларидан бири шундаки, улар ўз ижодларига ўзлари юксак баҳо берганлар. Бадиий ижод оламида фахрия деб атанмиш ходиса бор. БУ ходиса адабиётшуносликда яхши ўрганилмаганиги сабабли, у ҳақда аниқ ва лўнда тасаввур йўқ. Айрим адабиётшунослар уни жанр деб қарашса, айримлар уни санъат деб қарайдилар. Бизнингча, фахрияни санъат деб қарашса маъқулдир. Адабий жанр бўлиш учун маълум мазмуний асос ва шаклий хусусиятларга эга бўлиш зарур. Фахрияда мазмуни асос бўлса-да турғун шахсий хусусият йўқ. Фахрия-мақтов мазмунидаги шеърӣ ёки насрий парча бўлиб, унда ижодкорнинг ўз ижодига ёки у ёки бу асарига ўзи томонидан берилган юксак баҳоси, ўз ижодини бошқалар ижоди билан қиёсининг ифодаланиши.

Фахрия гўзал ифодадан ташқари давр синовларидан ўта олмагина, ижодкор баҳоси кўпчилик томонидан тан олинсагина чинакам санъатга

айланади. Ижодкорнинг ўз ижодига, ўз асарига ўзининг баланд баҳо бериши, бир томондан, шарқона одоб доирасига сиғмайдигандай бўлиб кўринади, иккинчи томондан эса, шоирлар рухиясида шундай бир туйғу бўладики,. Уларнинг ҳар бири ўзини буюк шоир санаб ёзаётган нарсасини энг зўр нарса деб билади.

Ижодкор қалбида на шундай туйғу ҳукмрон бўлса-да айрим шоирлар бошқачароқ олдида ўз ижодини пастрок баҳолаан ўринлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларда шоирнинг баҳосини ҳақиқат ўрнида қабул қилинмасдан, унинг шарқона ҳамкорлиги, устозга ҳурмати маъносида қараш керак.

Масалан, шоир Қутб Низомий Ганжавий «Хамса»сидаги «Хисрав ва Ширин» достони тарижима қилар экан:

Қозонтек қайнаб уни савдо пиширдим.
Низомий бошидин хахво пиширдим,-
деб ёзган. Ёки Эркин Воҳидов «Ёшлик девони» деб очасида
Истадим сайр айламоқни мен ғазал бўстонида
Кулмадингиз не бор санга деб Мир Алишер ёнида
деб ёзган.

Шарқ адабиёти тарихига назар ташласак, кўпчилик шоирлар фахрия айтганига гувоҳ бўламиз. Фирдавсий «Шоҳнома»да шундай сатрлар бор:
Ёмғир ва қуёш нурларидан бўлурлар барбод
Ҳашаматли биноларнинг эрдилар обод
Мен шеърим билан тикладим олий бир қаср
Унга заҳмат етказолмас на тош, на ёмғир.
Хисрав Деҳлавий «Дарёи аброр» қасидасига ўт юксак баҳо беради: «Агар афлок ҳаводиси ва рўзғор навоибидин менинг барча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса, менга басдур невчунким ҳар киши они ўқуса, билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада экандур»

Юқоридаги икки фахрия давр синовларидан муваффақиятни ўтди. «Шоҳнома» жаҳон тилларига таржима қилиниб, халқ эъзозиде яшамокда. Хисрав Деҳлавий қасидаси эса Жомий ва Навоий сингари улкан ижодкорларни ҳам мафтун этган. Жомий «Дарёи аброр»га назира тарзида «Лужжат-ул асрор», Навоий эса «Тухфат-ул афкор» қасидаларини ёзганлиги Деҳлавий фахриясининг ҳақчилигини кўрсатади.

Хисрав
Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» қасидасининг матлаъси шундайдир:
Қўш шоҳ холи-ю бонги ғулғулаш дарди сар ой,
Ҳарни қони шуд бахишки тар шоҳи баҳру бар ой
Таржимаси: подшоҳ ноғорасининг ичи бўшу, овозаси бош оғритар,
Озу қўлга қаноат қилган киши қуруқлик ва демизнинг шоҳидир. XIII аср шоирининг подшоҳ ноғорасига тил токизиши катта жасорат эди.

Навоий сафарга кетиш олдидан Жомий билан хайрлашгани боради. Навоий отга ўтиргач, Жомий « йўлда ўқирсан» деб, бир пайгирнома беради. Навоий йўлдаёқ уни очиб ўқийди. Маълум бўладики, Жомий Хисрав Деҳлавий қасидасига назира тарзида «Лужжат-ул асрор» номи қасида ёзган экан. Жомий қасидаси матлаъсида ҳам подшо тахтига дахлдор гап бор.

Кунгири айвони шоҳ наз поки пайвон бар тор аст,
Рахихо каш ба девори хисори дин дор аст

Таржимаси: подшоҳ айвонининг кунгуралари кўкка етган бўлса ҳам, барибир, унга дин деворининг сояси туша беради. Бу қасидани ўқиб, Навоийда ҳам бу қасидаларга назира боғлаш нияти туғилади. От устидаёқ қасида матлаъсини ёзиб, бир рўмол билан Жомийга юбориб, уларга татаббу қилишга руҳсат сўрайди. Жомий розилигини олгач, «Тухфат-ул афкор» қасидасини ёзади. Қасида матлаъси:

Оташин маълини тожи Хисраванро зевор аст,
Ахгари баҳри ҳаёти хом пухтаи дар сар аст.

Таржимаси: подшо бошини зийнатловчи тож унинг бошида хом ҳаёлларни пиширувчи идишдир.

Катта фахр билан айтилган, амалда ўзини ақлаган фахриялар қаторига Ҳофиз, Жомий фахрияларини кириш мумкин.

Ҳофиз:

Ироку форс чирифти ба шеъри хуш Ҳофиз

Биёни навбати Боғдоду вақти Табрес аст

Жомий :

Агар ба фарс равад қарвони ашъорам,

Равони Саъди-ю Ҳофиз кунонд истиқбол.

Ҳа, чиндан ҳам, Ҳофиз шеърини нафақат Боғдоду Табрес, бутун шарқ оламида шуҳрат тутгани каби Жомий шеърий қарвони истиқболига Саъди-ю Ҳофизгина эмас, шарқ шоирлари пешвоз чиқмоқдалар. Адабиёт тарихида айрим шоирлар фахриялари санъат даражасига кўтарилмагани, давр синовларидан ўта олмагани, баҳо ўзини оқламаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шунинг унутмаслик керакки, ҳар қандай шоирга ҳам фахрия айтиш тўғри кела бермайди. Фахрия айтувчининг етарли маънавий асосий бўлмаса, у фахрияда меъёрни билмаса, одоб доирасидан чиқса, бундай фахриялар ўша шоир учун маломатга айланиши мумкин.

Саккокий Улуғбекка бағишланган қасидасида шундай фахрия айтган эди:

Фалак йиллар керак сайр этса-ю келтирса илмига
Менингдек шоири турки сенингдек шохи дохоли.

Улуғбек сингари шоҳи дохо Улуғбекдан кейин кўринмаган бўлса-да, фалак ҳеч қанча сайр этмай, Навоийдек туркийгуй шоир майдонга келдики, у

иждо салмоғи, баркамоллиги билан Саккокийдан ўтиб кетди. Хусусан, бу фахрияга Навоийнинг қуйидаги фахрияси яхши жавобдир:

Навоий назм аро тиғи заборин ўйла сурдиким
Пагон топмас ўтдин ўзни ўлтирмакка Саккокий.

Умархон саройнинг «Малик-ул шуароси» Адо шундай фахрия айтган эди:

Гар Навоийдек Адо сўзини ўтказса, не тонг,
Шоҳ Умар афзалму ё Султон Хусайний Байқаро.

Бу фахрия ўзини оқламади. Адонинг сўзи Навоий сўзидан ўткир бўлолмади. Адо номини бугун Навоий туфайлигина эслаб турибмиз.

Фахрия айтишда манманликка берилиш, одобсизлик қилиш ўзини оқлаган эмас. XVII асрда яшаган Ниёзий тахаллуси шоир ўзини замонасининг Хисров Делсавийси деб даъво қилган. Жомийни менсимаганлиги учун Самарқанд шеърят мухлислари уни шаҳардан қувиб юборганлар.

Умархон саройидаги шоирлардан Фазлий, Мушриф сингари шоирларнинг ўта мақтанчоқлик, одобсизлик билан айтган фахриялари ўша замонда ҳам, бугун ҳам адабиёт мухлислари нафратини уйғотган, уйғотмоқда.

Навоий ва Бобур барча масалаларда ибрат, намуна бўлгани каби фахрия айтишда ҳам ибратлидир. Муҳими шундаки, улар фахриялари амалда ўз исботини топган. Навоий «Хоса маъни» саналган ийхот санъати билан бир кунда юз байт битишни ҳолва ейиш билан тенг кўрган:

Агар хоса маъни гар ийхот эрур,
Онинг бир кунда юз байти ҳолвот эрур.

Агар шоир бир кунда юз байт айтишга кодир бўлмаганда эди, ундан бу қадар улкан лирик мерос қолармиди-ю, «Хамса» дек асар икки йилда ёзиб тугатилармиди? Дарвоқе, «Хамса» га оид фахриялар ҳам баланд нардамарда айтилган, энг муҳими, ана шу гаплар ҳаммаси бажарилган.

Маълумки, Низомий Таншовий «Хожа» ни ўттиз йилда ёзган. Навоий Самарқандда ўқиётган чоғлари Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган хатида шундай фахрия айтган эди:

Ўттиз йилки они Низомий демиш
Қошимда эрур икки-уч йиллик иш.

Навоий фахриясини эшитган Ҳусайн Байқаро ўша даврда шундай деган экан: «. . . бу гаплар шоирона лоф ва мойк ҳаммон газоф (қаламнинг беҳуда валдираши). Шоир «Хамса» ни 1483-85 йилларда ёзиб тугатди. Яна ҳам

хайратовуз нукта шундаки, Навоий «Хамса» ёзишга кетган ўвақтим олти ой деб айтган:

Йиғиштира бўлмас бори олти ой
Ки бўлдик бу раънога сураткамой.

Бу икки йил, олти ой ҳақидаги фикрловчи қуйидагича тушунмоқ керак. Навоий талабалик чоғлари «Хамса» ни икки йилда ёзаман деб, фахрия айтган экан, умри бўйи бу ишга тайёрланиб юрди. Бу икки йил бу олти ой шоир ҳаёлида тайёр бўлган сатрларки қоғозга тушириш учун керак бўлди.

Навоий «Хамса» ёзмай туриб фахрия айтгани каби, «Хамса» ни тугатгач ҳам шундай фахрия айтган:

Олибмен тахти фармонимда осон
Черик чекмай Хитоди то Хуросон.
Хуросон демаким Шерози Табрез
Ки қилмишдир найи қилким шаккарез
Кўнгил бермиш сўзимга турк жон ҳам
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам.

Навоий замондошлари: Жомий, Ҳусайнийларнинг шоир «Хамса» сига берган юксак баҳолари, «Хамса» нинг беш ярим асрдан ортиқ вақт эл ардоғида экани Навоий фахрияларининг ҳаётий эканлигини кўрсатади. Ҳусайн Байқаро Навоий «Хамса» сини ўқиб чиққач, Навоийни ўзига пир деб билади ва унга қуйидагича баҳо беради:

Эрур сўз мулкининг нишвористони,
Кало нишвористон Хисровнишони.
Дема Хисровнишонининг қаҳрамон,
Эрур гар чин десанг соҳибқироне.

Навоий эпик ижодиётдагина буюк бўлмасдан, лирик ижодиётда ҳам буюк шоир эди. Адабиёт тарихида Кобо Султон Навоий, Муҳаммад Шариф Навоий, Бақоий Навоий сингари шоирлар ўтган бўлса-да, бизнинг Навоий лирикаси баркамоллиги, сержиллолиги, чуқур мазмунга эга эканлиги билан бошқа Навоийлар, бошқа шоирлар ижодидан ажралиб туради. Навоийнинг шундай фахрияси бор:

Сабт ўлмаса Навоий оти назим зайлида
Фаҳм айлар аҳли дард каноми адосидан.

Ҳа, чиндан-да, Навоий шеърларининг охирида шоир таҳаллуси берилмаса ҳам, «аҳли дард» шеърнинг юксаклигидан Навоийники эканини сеза олади. Шоирнинг «Лисон-ут тайр» достонида шундай фахрия бор:

Турк назмида чу тортиб мен алам

Навоий бундай дейишга тамомила ҳақли эди. У туркий тил имкониятларини тушуниб, унинг ҳуқуқи учун кураш бошлаганда, туркийгуй шоирлар у қадар кўп эмас эди. «Мажолис-ун нафоис» тазкирасида 459 та шоир ҳақида маълумот бор. Шулардан 29 таси ҳам туркий, ҳам форсий тилда ижод қилар, туркийгуй шоирлар эса 16 тадан ортмас эди. Навоий мана шундай шароитда туркий тил ҳуқуқларини тиклаш учун алам тортди, курашди.

Навоийнинг туркий тил равнақи учун кураши осон кечмаганини Навоий ва Биноий муносабатларида ёрқин кўриш мумкин. Биноий форс-тожик тили тарафдори бўлиб, Навоий билан ҳамиша бу масалада тортишиб келган. Тил учун бўлган кураш охири сиёсий курашга айланиб, Биноий Шайбоний томонига ўтиб кетади, хонни мадҳ этувчи дoston ёзади. Охири шайбонийлардан панд еб, Бобур ҳузурига боради, Бобурга атаб мусиқалар ёзади, Бобур илтифотига сазовор бўлади.

Навоий ва Биноий муносабатига оид халқ оғзаки ижодида шундай ҳикоя бор. Бир кун Биноий Навоий хонадонига келибди. Дорбоза олдида туриб: «Алишер, хо Алишер», - деб чақирибди. Ичкаридан кичкина кучук чиқиб, Биноийга қараб вовиллабди. Бу ҳолат Биноийнинг иззат-нафсига тегибди. Кимсан, форс-тожик адабиётининг катта шоири бўлса-ю, уни кучук қарши олса. . .

Навоий чикса, бир боплашни кўнглига тугибди. Алишер чикқач, Биноий шоирнинг таҳаллусига ишора қилиб: «Алишер, кучугингиз наво қиладур», - дебди. Биноий лутфини тушунган Навоий жавоб қилибди: «Ҳа, кўчада юрган ташландик кучук эди, мана парвариш қилиб эдим, Биноийдек бўлиб қолди».

«Бобурнома» да Навоий ва Биноий ўртасидаги муносабатга оид қуйидаги воқеалар тасвирланган. «Алишербекка хили мутарриз экандур. Ул жужладин бири будурким, бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатур. Биноийнинг (орқаси) га тегар, Алишербек мутояба била дерки: «ажаб балоест Ҳири агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад (Ажаб бир баходирки, Ҳиротда оёғингни узатсанг, шоирнинг орқасига тегади). Биноий дерким: агар жатъ мекуни ҳат ба (пушти) шоирмерасад» (йиғсанг ҳам, шоирнинг орқасига тегади).

Охир бу зарофатлардин яна Лиридин Самарқанд азимати қилди. Алишербекни қанин нилалар ихтироъ қилиб эди ва яхши нималар ихтироъ қилиб эди, ҳар кишиким, ҳар ишта бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривож ва равнақи учун «Алишерий» дер эди. Баъзи зарофат била Алишербекка иснод қилурлар эди. Нечунким Алишербек кулоқ оғриғида ёғлиқ боғлағон учун хотунлар кўк ёғлиқни қийиқ боғлағонни «нози Алишерий» от қўйдилар. Бу жумладин Биноий Ҳиридин азимат қилур вақт эмаги учун полондўзға ғайри мукаррар коконе буюрур, отини «Алишерий» дер, «полона Алишерий» машхур бўлди».

Бу иш икки йўлдан борди. «Мухокамат-ул луғатайи» номли асар ёзиб, туркий ва форс тилларини қиёсий таҳлил қилиб, туркий тилнинг ифода имкониятлари бой эканини илмий тарзда исботлаб берди. «Туркий тилда гўзал обидалар битиш мумкин эмас» деган ақидаларга қарши бориб, «Хазойин-ул маоний», «Хамса» каби асарларини, илмий асарларини туркий тилда ёзиб, туркий тилнинг зўрлигини амалий жиҳатдан исботлаб берди.

Фахр билан айтиладиган яна бир нуқта шундаки, барча шоирларни туркий тилда ижод қилишларига даъват этувчи Хусайн Бойқаронинг махсус фармони чиқди. Буларнинг ҳаммаси Навоий фахрияларининг ҳаётийлиги, шунчаки мактов сўзлари бўлмасдан, даҳо ижодкорнинг башоратлари исботи ҳамдир.

«Унидин улдирки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзум мартабаси авждан кўйи энмагай, ёзганларимнинг шуҳрати аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай», -деб фахрия айтган эди Алишер Навоий. Орадан беш ярим асрдан ортиқ вақт ўтибдики, Навоий «ёзганларининг шуҳрати» баланд ва «аъло даража»да бўлиб келмоқда. Бобур ижодида фахриялар кўп учрамайди. Шоир шундай фахриялар айтган:

Ироқу форса гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,
Ани хифз этгуси Ҳофуз, мусаллани туйгуси Салмон.

Бобур шеърини Ироқу форсадагина эмас, она юрти Турон, Афғону Ҳинд-бутун жаҳонда шуҳрат топаётган Бобур фахриясининг ҳаётийлигини кўрсатади.

Навоий ва Бобур ижодига чуқурроқ назар ташласак, бу икки буюк ижодкор ижодида ҳамоҳанг нуқталар кўплаб учрайди. бундай ҳамоҳанглик уларнинг рубоийларида, ғазалларида, туюқларида, маснавийларида кўзга ташланади.

Гарчанд улар бир замонда яшашса-да, жангу жадалларга бой замон уларнинг учрашувига имкон бермади. Навоийнинг Бобурга мактуб йўллаши, Бобурнинг Навоийга жавоб хати билан улар ўртасидаги ҳаёт ишлари узилди. Бобур Ҳиротга келганда эса Навоий вафот этган эди. Бобур йигирма кун Навоий уйида яшади. Шу ерда Навоий асарлари билан тўлиқ танишди. Бобур Навоийнинг «Хазойин-ул маоний» девонини мутоала қилиб, аруз баҳри тартиби билан ўзи учун сайланма девон тузади. Бу ҳолатни Бобурнинг ўзи шундай қайд этган: «Алишербекнинг уйларини таъйин қилдилар Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим. одина куни, ойнанинг йигирма учиди Алишербекнинг тўрт девонидин бухур ва авзон тартиби билан ғазаллар ва абётиким, интиҳоб қилиладур эди, итмомиға етти». Мана шундай хатти-ҳаракатлар бу икки ижодкор ижодида ўхшаш ҳолатларни юзага келтирган.

Бобур Самарқанд тахтидан ажраб, Андижонга ҳам кира олмай қолган дамда яратган рубоийсида Ватандан айрилган ғариб кўнгил изҳорини шундай шарҳлайди:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,

Шод этмас кўнгилни меҳнатда киши.
Кўнгилни бу ғарибликда шод ўлмади, ол,
/урбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Бу рубоий, бевосита, Навоийнинг қуйидаги машҳур рубоийси таъсирида юзага келган:

/урбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Навоий рубоийлари ичида тавзиъ санъатидан моҳирона фойдаланган, тўрт қатор шеърида маъшуқа мактовини чиройли ифода қилган бир рубоий бор:

Кўз бирла қошинг яхши қабоғинг яхши
Юз бирла сўзинг яхши дудоғинг яхши.
Мен бирла элинг яхши сақоғинг яхши
Бир-бир не дейин бошдин оёғинг яхши.

Маъшуқа портретини «бошдин оёғ» бу қадар мухтасар тасвирлаш Бобурга ҳам завқ берган, оқибат, қуйидаги рубоий юзага келган:

Жон вола эрур лаъни шакар борингга,
Кўнглим ҳам эрур хароб руҳсорингга.
Туфторинг эрур бошдин-оёқ барчаси хўб,
Мен банда бўлай бошдин-оёқ борингга.

Бобурнинг қуйидаги рубоийси Навоийнинг қуйидаги матлаъси таъсирида юзага келган.

Ишқ ила бўлдим масал савдо била афсона ҳам
Шукуруллоҳ, ким яна ошиқ мену девона ҳам.

Бобур ёзади:
Юз шукур қилайки ёка ошиқ бўлдим,
Оламға бўлиб афсона ошиқ бўлдим.
Яхши сўзингу васфи жамолинг эшитиб,
Кўрмай сени ғойибона ошиқ бўлдим.

Бобур «Мустасар» асарида туюқ жанри, унинг тажхис санъати асосида юзага келувчи тури ҳақида сўзлаганда, мисол учун Навоийнинг қуйидаги туюғини келтиради:

Лаънидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ёқилур.
Мен вафоси ваъдасидан шодмен,
Ул вафо билмонки қилмас, ёқилур

Навоий туюғидаги тажкисни юзага келтираётган «ёқилур» сўзи асосида Бобурнинг қуйидаги туюғи юзага келган:

Қаддимни фироқ меҳнати ёқилди,
Кўклут ғашу андух ўтиға ёқилди.
Холимни сабоға айтиб эрдим, эйчун,
Билмон сенга шарқ қилмади, ёқилди.

Навоийнинг «Кошки» радифли ғзаки бор. Бу ғзалга жомий мухаммас, Хусайний назира боғлаган. Қизиги шундаки, Навоийнинг ўзи ҳам бу ғзалга мухаммас боғлаган. Шоирнинг ўз ғзалига мухаммас боғлаши кам учрайдиган ходиса. Бундай ҳолатни Огаҳий ижодида ҳам кузатамиз. Шоир «Устика» радифли ғзалига мухаммас боғлаган.

Навоийнинг «Кошки» радифли ғзали Бобурга ҳам завқ берган. Бобур ҳам Хусайний каби бу ғзалга назира боғлаган. /азал ва назираларнинг матлаъсини келтирамиз.

Навоий:

Очмагай эрди жамоли олам аро кошки
Солмагай эрди бори оламға ғавго кошки.

Хусайний:

Қилмагай эрдим юзин кўрмак таманно кошки
Солмагай эрдим кўнгил мулкига ёғмо кошки.

Бобур:

Кўрмагай эрдим жамоли олам аро кошки
Бўлмагай эрдим бори оламда расво кошки.

Кўринадики, Бобур тазмин асосида Навоий матлаъсидаги торсе санъатини сақлаган ҳолда гўзал байт яратган. Бобур айрим ўринларда тазмин йўли билан Навоий мисраларини айнан олиб, байтга киритади. Тазмин санъатида фикрий мутаносиб мендан ташқари бадият жиҳатидан ҳам байтлар бир-бирига мос бўлиши зарур. Навоий ғзалларида шундай байт бор:

Ошиқ ўлдим билмади ёр ўзгаларга ёр эмиш
Оллоҳ, оллоҳ, ишқ аро мундоқ болалар бор эмиш.

Бобур ёзади:

Ошиқ ўлғоч кўрдик ул шамшод қаддин юз бало
Оллоҳ, оллоҳ, ишқ аро мундоқ болалар бор эмиш

Бобурнинг санъаткорлиги шундаки, Навоий мисраси Бобур фикрининг изчил давомига айланган. Ҳар икки мисрани икки ижодкорга қаламига мансублигини фақат мутахассис адабиётшуноскига фарқлайди. Навоий мисрасида «О» товуши орқали ассонанс, «Л», «М» товушлари орқали тавзиъ санъати қўлланган. Бобур мисрасида ҳам «О» товуш тўрт жойда такрорланмоқда, «Д» товуш орқали эса тавзиъ санъати юзага келмоқда.

Навоий висол анхори завқини, ошиқ қалбидаги орзу-иштиёқни шундай тасвирлайди:

Не хуш ўлғай иковлон маст бўлсак васл боғинда,
Қўлим бўлса онинг бўйнидаю оғзим қулоғинда.

Ошиқнинг висол дамлари ҳақидаги орзу-интилишлари Бобур ғазалларида ҳам Навоийона ошкора, ҳам шаклий, ҳам мазмун жиҳатдан ҳамоҳанг сатрларда ифодаланади:

Не хуш ўлғайнинг агар уйқунин бахтимни уйғотсам,
Кечалар тори мўйидек белига чирмашиб ётсам.

Навоий «Хайрат-ул аброр» достонида ёмон шайхлар ҳақида фикр юритиб, ўз фикрининг даражама-даража ошириб, ажойиб байт яратган эди:

Бу эл эрур барча ёмондин ёмон,
Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Бобур хижрон ҳақида ёзар экан, ўз фикрини Навоийона санъаткорлик билан ифода қилган:

Борми экан ҳеч кима оламда хижрондин ёмон
Ҳар неким ондин ёмонроқдир, будур ондин ёмон.

Навоийда шундай байт бор:

Кўзда сув, кўнгил аро ўт, не кўрарсен охир?
Яна аҳволин аларнинг не сўрарсен охир?

Бу байтда Навоий тазод санъати (сув, ўт) бирикмани радиф қўллаш орқали фикрни таъсирли ифода қилмоқда. Лирик қаҳрамоннинг кўзда сув,

кўнгил аро ўт ҳолатдаги тасвири китобхон кўз олдида ёрқин манзара-лирик қаҳрамон кайфиятини тўла келтирмоқда.

Бобур машҳур маснавийларидан бирида юртдан узоқда, ёр ва диёрдан вафо кўрмаган лирик қаҳрамон қалб манзараси тасвирида Навоийда учраган юқоридаги ҳолат-тазод санъатидан фойдаланган ҳолда қалам тебратади:

Бир кеча хотирим мушавваш эрди,
Кўзда сув кўнглим ичра отаси эрди.

Навоий ва Бобур ижодидаги муштарак хусусиятлардан бири уларнинг кўп тиллик ижодкор эканлигидир. Навоийшуносликка доир адабиётларда Навоий зулнисокайн шоир деб баҳоланади. Тўғри, Навоий туркий тилда, форс тилида девонлар яратган. Икки тилда ижод қилган шоирлар кўп бўлса-да, икки тилда девон яратган шоирлар кўп эмас. Навоий анъанаси Моҳларойим Нодира томонидан давом эттирилган.

Навоий ижодига назар ташласак, у туркий ва форс тилидан ташқари араб тилида ҳам ижод қилганига гувоҳ бўламиз. «Ҳазойин-ул маоний» девонининг биринчи байтиёқ араб ва туркий тилда битилгани (муолма санъати) фикримиз исботидир.

Ашраат мин акси шамсил каси анвор-ул худо
Ёр аксин мвйда кўр деб жондин чикди садо.

Бундан ташқари, Навоий араб тилида «Сабъхат абхур» номли луғат яратган. Демак, Навоий кўп тиллик ижодкордир.

Бобур ҳам Навоий сингари кўп тиллик ижодкордир. У, асосан, туркий тилда ижод қилган бўлса-да, Ҳинд девони форс ва Урду тилида ёзилган шеърлардан таркиб топган. Бобур ҳам Навоий сингари бир шеърни икки тилда ҳам яратган.

Ҳар ҳазки халойиқ андин ўйрилмас эмиш,
Ул ҳаз мазасию қадрини билмас эмиш.
Маъжуну баситу бўза буст яне,
Бир жураъ чоғир дурди ишин қилмас эмиш.

Навоий ва Бобур ижодий фаолиятида бадиий ижоддаги ҳамоҳанглик билан бирга илмий ижодда ҳам муштарак хусусиятларини кўриш мумкин. Бу муштараклик илмий соҳадаги серқирраликда, қомусий илмга эга эканликда кўринади. Улар замонасининг буюк шоирлари бўлиш билан бирга адабиётшунос олимлари ҳамдир. Иккаласи ҳам аруз назариясига бағишланган асар ёзганлар. Навоийнинг «Мезон-ул авзон», Бобурнинг «Мухтасар» асарлари аруз илмига бағишланган. Аруз илмига оид араб олими Халил ибни Аҳмад китобидан тортиб, бугунги кунгача кўплаб асарлар ёзиладики, булар аруз илмини ўрганишга бўлган катта қизиқиш, эҳтиёж борлигини кўрсатди.

Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» китобидаги аруз ҳақидаги маълумотлар, А.Рустамовнинг «Аруз ҳақида суҳбатлар» рисоласи А.Ҳожиаҳмедовнинг «Мактабда арузни ўрганиш» номли китоби арузни ўрганувчилар учун қўлланма бўлмоқда. Аруз шеър тизими ҳақидаги С.Мирзаев, У.Тўйчиевларнинг илмий ишлари туркий аруз қонуниятларини ўрганишда муҳим манбадир. Демак, Навоий ва Бобур анъаналари бугунги кунга қадар давом этмоқда.

Навоий адабиётшунос олим сифатида 2 та тазкира яратган. «Мажолис-ун нафоис» туркий тилдаги биринчи тазкира бўлиб, унда 459 та Навоий замондошлари бўлган шоирлар ҳақида маълумот берилган. «Насойин-ул муҳаббат» номли асар ҳам тазкира бўлиб, унда 770 та суфий шоирлар ҳақида маълумотлар бор.

Бобур тазкира жанрида махсус асар битмаган бўлса-да, «Бобурнома» асарида 30 дан ортиқ шоир ҳақида маълумот қолдирган. Бошқа тазкиранавис олимлар адабиёт тарихчиси сифатида кўринса, Навоий ва Бобур эса ҳам адабиёт тарихчиси, ҳам адабиёт танқидчиси сифатида иш кўрган. Уларнинг шоирлар ҳақидаги ижобий ва танқидий баҳолари ҳолислиги билан диққатга лойиқдир.

Навоий ва Бобур тилшунос олимлар ҳамдир. Навоий «Муҳокамати ул луғатайн» китобида туркий тил билан форс тилини қиёсий таҳлил қилиб, туркий тилнинг бой ва жозибали тил эканини исботлаб берди. У араб тилида «Сабъхат анхур» номли луғат яратди.

Бобур тилшунос олим сифатида «Хатти Бобурий» деб номланган алифбо яратди. Араб алифбосини туркий талаффузга у қадар мос эмаслигини кўрган Бобур бу алифбони ислоҳ қилиб, 1503-1514 йиллари «Хатти Бобурий» ни юзага келтирди.

Бу алифбо Бобурийлар хонадонидида қўлланган. Бобур «Бобурнома» асарида 1528 йил воқеалари ҳақида тўхталар экан, шундай ёзган: «Мухло Бихиштийдин Хикдолға камар ва ханжар ва «Бобурий хати» нинг муфрадоти ййборилди». Гарчи бу алифбо ҳаётда кенг қўлланмаган бўлса-да, унинг вужудга келиши зўр ходиса ва катта журъат эди.

Бобур «Қуръон» ни ўз алифбосида кўчиртириб, маккага юборган. Ҳозир бу «Қуръон» Машҳад шаҳрида сақланади. «Хатти Бобурат» бизнинг давримизгача етиб келган. қуйидаги ёзувнинг усти қисмида Бобур харфи, остида эса араб харфи берилади.

Бобур тилшенос сифатида бадий ифоданинг қайд этади. Ўғли Хуросонга ёзган мактубларидан бирида унга насихат қилиб, шундай ёзади: «бу хатларингни битибсенва ўкумайсен, не учунким, агар ўқир хаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқуйолмагандин сўнг, албатта, тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муғлақтур. Имлонг ёмон эмас. агарчи хейли рост эмас, «илтифот» ни «то» била битибсен. Кулунгни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, валс бу муғнақ алфозингдин мақсуд тамони мафхунг бўлмайду. /олибо, хат битирда қилиллинг ҳам ушбу жиҳаттинду. Бундин кара бетақаллуф ва

равшан ва пок алфоз била битти: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучига».

Бобур ватандан узоқда ҳам она тили равнақини ўйлайди. Унинг Қобул ва Хиндистонда туриб, туркий тилда ижод этишининг ўзи она тилига меҳр-муҳаббатидан эди. Бобур бу билан чекланмайди. Туркий тилни рағбатлантиришнинг турли шаклларида фойдаланади. «Бобурнома» да 1519 йил воқеалари баёнида шундай лавҳа бор: «Чаҳоршанба куни. . . мутояба жиҳатидан дейилдиким, ҳар ким сортча айтса, бир аёғ (қадах) ичсун, бу жиҳатин кўп киши аёғ ичти. Сунна вақтида чаман ўртасидаги толор (сўри) устида ўлтурулди. Дейилдиким, ҳар киши туркча айтса, бир аёғ ичсун. Бунда ҳам ғалаба, (кўп) киши аёғ ичти».

Бобур сўзнинг қудратини жуда яхши тушунувчи тилшунос, ажойиб нотик бўлган. Бобур Хиндистонда Лано Санго кўшинларига қарши олиб борган жангларидан бирида унинг лашкарлари орасида саросима, парокандалик юзага келади. Вазиятни тушунган Бобур лашкарлари олдида оташин нутқ сўзлайди. У, жумладан, шундай дейди: «Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат, ажал паймонасидин ичқусидир ва ҳар кишиким, тириклик манзилига кирибютур, охир дунё ғамхонасидин кечқусидир, ёмон от билан тирилгандин, яхши от билан ўлган яхшироқ. . . Тангри таоло бу навч саодатни бизга насиб қилибдур ва мундоқ давлатни бизга қарайиб айлабтур. Ўлган шоҳид ва ўлдирган ғозий, барча тангрининг каломи билан онт ичмоқ керакким, ҳеч ким бу қатилдин юз ёндурур ҳаёл қилмай то баданидин жони айрилмагунча, бу муҳориба ва муҳотиладин айрилмагай».

Навоий ва Бобур тарихчи олимлардир. Навоий «Тарихи мулуки Ашян» номли китобида Эрон ва Турон шоҳлари тарихини ёзган. «Тарихи ҳукамо ва анбиё» номли китобида эса авлиёлар ва пайғамбарлар тарихини ёритган. Бобурнинг «Бобурнома» асаври XVI аср Бобурийлар тарихини энг изчил, ҳаққоний ва нолис ёритган асар сифатида қимматлидир. "Б«бурнома"»индистон тарихини ўрганишда Берунийнинг «Хиндистон» китобидан кейинги энг яхши манбадир.

Навоий ва Бобур таржимонлардир. Навоий Ҳазрати Имом Алининг «Насрул-ла олий» асарини шеърӣ йўлда таржима қилган. Маълумки, А.Жомий 40 та ҳадис мазмунини 40 та рубоӣйга солган эди. Навоий ушбу асарни таржима қилиб, «Арбаин ҳадис» деб атади. Бундай фаолият Бобур ижодига ҳам хосдир. Бобур Хўжа Аҳрорнинг «Волидия» номли асарини шеърӣ йўлда таржима қилган.

Навоий ва Бобур мусиқашунос олимлар ҳам эди. Ўтмиш зиёлиларининг бугунги зиёлиларга ибратли томонларидан бири шундаки, улар, албатта, мусиқадан хабардор эдилар. Улар соз чалар, куйлар яратар эдилар. Мусиқани билмаслик у замон зиёлилари учун айб саналган. Бобур берган маълумотга кўра шоир Биноӣ мусиқадан беҳабар экан. Навоӣнинг таъмири билан у мусиқани ўрганади, хатто, куйлар яратиш даражасига боради. «. . . Бурунлар мусиқийдин беҳабар экандур, бу жиҳаттин Алишербек таън қилур экандур. Бир йил Мирзо Марвга қишлай борганда-Алишербек

хам борур. Биноий Ҳирӣда қолур. Ул киш мусиқӣ машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёз Мирзо Ҳирӣ келганда совет ва нақш ўтқарур. Алишербек таажуб қилиб, таҳсин қилур. Мусиқӣда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин, бир нақши бор, нухрангга мавсум. Бу тўққиз рангнинг туганиши ва нақшнинг майлоси ростгадур»¹.

Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи» китобида Навоийнинг етук мусиқашунос бўлгани ёритилган. Навоийнинг «Ҳамсат-ул мутаҳаййирин» асаридан маълумки, у мусиқага оид асар ёзишни бу саҳнанинг мутахассиси Али Шохга топширган ва у олим «Аслул усун» номли китоб битган. Бу асарни маъқул кўмаган ҳазрат Мир Муртоз, Хожа Абдуллоҳ Марварид, Биноий кабиларга айтиб, мусиқа соҳасида китоб ёздирган. Бироқ буларнинг ҳеч биридан кўнгли тўлмагач, уни нг даъвати билан Жомийнинг «Адвар» номли мусиқӣ рисоласи майдонга келган.

Навоийнинг «Мезон-ул авзон» китобида туркий вазилар қаторида «Арғуштик» номли бир усул доираси борлиги, бу ҳақда мусиқӣ китобларда ёзилганини айтиб, бир неча турк куйларининг номлари берилганини кўрсатади. Навоий бу асарида «Турк» отли бир куй борлигини айтади. Бу куй «ғоятдан ташқари, дилназир ва руҳафзо» эканини айтади. Фитратнинг уқтиришича, бу кунги классик мусиқамиздаги «Насруллоӣ» куйининг авж қисмида «Турк» номли жуда ёниқ, жуда таъсирли бир нағма бор. Шундай маълумотларни берган, бошқаларни мусиқага оид китоблар ёзишга ундаган Навоийнинг ўзи мусиқага доир китоб битмаган. Фитрат ёзади: «. . . кошки шул араб арузини ёзғонингиз жойида турк вазни, турк мусиқаси тўғрисида китоблар ёзса эдингиз, демакдан ўзимизни сақлай олмаймиз».

Навоий мусиқани Хўжа Юсуф Бурхондан ўрганган. Мусиқанинг назарий-амалий масалаларини яхши билган. Бобур «Бобурнома» да Навоий асарларини санар экан, «Яна илми мусиқада яхши нималар боғлайдир, яхши «нақш» лари, яхши «пишрав» лари борлигини айтган. Бу фикрлар Навоийнинг яхши бастакор бўлганини кўрсатади.

Фитратнинг кўрсатишича, Навоийнинг биргина куйи бизгача етиб келган. Бу куй аслида «Қадри Навоий» бўлиб, бу куйни Хоразм ва Фарғонада «Қори Навоий», Тошкентда эса «Қори Наво» номи билан юритадилар.

Бобур ҳам Навоий сингари мусиқашунос олим эди. У «Мусиқа илми» номли рисола битган. Айки чоқда Бобур бастакор ҳам эди. Бу ҳақда «Бобурнома» да шундай маълумотлар бор: «Якшанба куни ойнинг ўн олтисида сабуҳий қилиб, хушёр бўлиб, маъжун эҳтиёр қилғонда, Мухло Ёрак, панжгоҳда муҳаммас даврида боғлагон нақшини ўтказди. Яхши нақш боғлабтур. Неча маҳал эди, мундоқ нималарга машғуллуқ қилмайдур эдим. манга ҳам дағдаға бўлди, бир нима боғлагаймен. Бу тақриба била чоргоҳ совтини боғладим».

Навоий ва Бобур XX аср илмий ва бадиий ижод тараққиётига улкан таъсир этдилар. Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид докторлик, номзодлик диссертациялари ёқлади, йирик Навоийшунос олимлар етишиб чиқди.

¹ Бобур «Бобурнома», Тошкент, ЎзФАН нашриёти, 1960, 161-162-бетлар.

В.Зоҳидов, А.Хайтметов, А.Абдуғофуров, Ҳ.Сулаймон, А.Рустамов, С.Эркинов каби ўнлаб олимлар Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича докторлик диссертациялари ёқладилар. /Каримов, М.Шайхзода, С./аниева, Ё.Исҳоқов каби кўплаб олимлар Навоий ижоди бўйича фан номзодлари бўлдилар.

XX аср ўзбек адабиётининг камоли ҳақида ўйлаганда, унинг тараққиётидаги муҳим омиллардан бири ўзбек мумтоз адабиётининг илғор анъаналари эканлиги маълум бўлади. Ўзбек мумтоз адабиёти эса Навоий сиймосида энг юксак чўққисига кўтарилган. Демак, Навоийнинг ҳаёти ва ижодига дахлдор масалалар XX аср ўзбек адабиёти тараққиёти билан зич боғлиқдир.

Мазкур масаланинг қуйидаги қирралари мавжуд: XX аср ўзбек адабиётида Навоий тимсоли, Навоий асарлари сюжети, ғоявий мотивлари, композицияси асосида яратилган асарлар, Навоий асарларига мансуб байт ва парчаларнинг XX аср ўзбек адабиётига мансуб асарлардаги кўринишлари.

XX аср ўзбек адабиёти вакиллари ичида Навоий ҳақида қалам тебратмаган ижодкорлари жуда камдир. Бу буюк шоирга бўлган эҳтирож, унинг юксак таланти олдидаги ҳайрат маҳсулидир. Аммо уларнинг барчасини ҳам юксак бадиий асарлар деб бўлмайти. Улуғ ўзбек шоири ҳақида назмда Ойбек, /./улом, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, Миртемир, Э.Воҳидов, А.Орипов, Б.Бойкобиков ва бошқалар дoston, баллада, шеърлар яратдилар. Улар ичида Ойбекнинг «Навоий ва Гули» dostonи, Б.Бойкобиковнинг «Хамса» номли шеърӣ pentологияси диққатга лойиқдир. Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» номли касидасидаги қуйи даги байтлапр шоирга бўлган юксак эҳтирож намунасиدير.

Мир Алишер наъмасига акс-садо берди жаҳон,
Шеърӣят мулкида бўлдинг шоҳу султон, ўзбегим.
Менга Пушкин бир жаҳону менга Байрон бир жаҳон
Лек Навоийдек бобом бор кўксим осмон, ўзбегим.

А.Ориповнинг «Ўзбекистон Ватаним маним» шеърӣда Навоийга алоҳида бандлар ажратилган.

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё
Барчасига гувоҳ ер ости
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлар ростӣ.

Беш асрим назмӣ саройни
Титратади занжирбанд бир шер
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер
Дунё бўлди чаманим маним
Ўзбекистон Ватаним маним

А.Ориповнинг «Алишер» номли шеърида Навоий ижодининг буюклиги оташин сатрларда ифодаланган.

Жаҳонки муқаддас неки кўрибди
Барига онасан, эй қодир ҳаёт
Беш аср наридан боқиб турибди
Нурки бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан
Халким, таъзим этсанг арзигай тамом
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.

Насрда Навоий тимсоли М.Осимнинг «Зулмат ичра нур», «Бадарға», «Асмтрабод», «Дарвешнинг фитнаси» ҳикояларида Л.Патьнинг «Ҳаёт бўстони» қиссасида, Ойбекнинг «Навоий» романларида муваффақиятли яратилган.

Драматургда эса Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий», И.Махсутнинг «Навоий Астрабодда», В.Саъдулланинг «Хуросон юлдузи» номли драмалари яратилди. Ленинградлик олимлар: А.П.Корсун, А.Н.Болдирев, М.М.Дьянонлар ҳам «Алишер Навоий» номли драма яратганлар. Бу драма 1959 йили «Гулистон» журналининг 3,4,5-сонларида эълон қилинган.

Юқоридаги асарларнинг ҳаммаси қизил империя ҳукмронлиги даврида яратилган бўлиб, уларда ҳаётий ҳақиқатлар замона андозасига солиб берилганки, бугун уларга ўзгача муносабат зарурдир. Навоий образини ҳар томонлама, бор ҳақиқатлар асосида яратиш ўзбек ижодкорлари олдидаги вазифа бўлиб қолмоқда.

Навоий дostonлари ёки дostonлари таркибидаги ҳикоялар асосида ўзбек адабиётида турли жанрларда бадиий асарлар яратилди. Хуршид Навоий дostonлари таъсирида «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» драмаларини яратган. Навоий асарлари асосида замонавий жанрларда асар яратиш борасида ҳамюртимиз К.Яшин баракали ижод қилди. унинг «Меҳр ва Суҳайл» музыкали драмаси, балети М.Муҳаммедов билан ҳамкорликда яратган. «Дилором» операси либретторларида «Сабъаи сайёр» дostonи ғоявий йўналишлари акс эттирилган.

Ҳамза ва К.Яшиннинг «Бой ила хизматчи» драмасида муаллифлар Жамила образини, унинг садоқатини ифодалашда Ширин тимсолидан, унинг Фарходга бўлган Садоқати тасвиридан фойдаланганлар. Фарход Хисровга банди бўлган дамларда Ширин унга мактуб йўллаб, ўз садоқатини шундай баён қилган:

Тикон кирса кафтингга нинасидин,
Чиқарсам эрди киприк игнасидин.
Кўриб хору хас ўрнунгда ниҳоний

Сочим бирла супурсам эрди они
Чу билсам гардин кўнглингда қайғу
Ер узра ашкдин сепсанг эди сув.

Жамила /офирга бўлган садоқатини шундай баён қилган: «Агар кафтингизга тикон кирса, кипригим билан чиқарай, агар ўтирган жойингизга хас-хашаклар тўкилса, сочларим билан супурай, чанги чикса, кўз ёшларим билан сув сепай, жонгинам».

Ҳ.Олимжон «Зайнаб ва Омон» достонини яратишда «Фарҳод ва Ширин» достонидан унумли фойдаланган. Ҳ.Олимжоннинг Навоий юбилей ҳайъатида ишлаши, «Фарҳод ва Ширин» достони ҳақида илмий мақола яратиши Навоий ижодига чуқур назар солиш имконини берди.

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида севги тарихини бошлар экан:

Ёзиб жон мусҳобидин икки оят,
Дебон Фарҳоду Шириндан ҳикоят.-
деб ёзган эди. Ҳ.Олимжон ҳам «Зайнаб ва Омон» достонини севишганлар номини зикр этиш билан бошлайди:

Суйлаб берай Зайнаб ва Омон,
Севгисидан бир янги достон.

Навоий достон бошланишида Фарҳод юрти-Чин ҳақида сўз юритса, Ҳ.Олимжон «Зайнаб ўсган эл» ҳақида ёзади. Навоий достонида характерлар беомон тўқнашган, уларнинг ким экани ёрқин акс этган ўринлар Хисрав ва Фарҳод диалоги воситасида берилган.

Деди: «Қайдин, сен, эй Мажнуни гумроҳ»,
Деди: «Мажнун Ватандин қайда огоҳ?».

Ҳ.Олимжон ҳам Зайнаб характеридаги қатъият, севгига садоқат сингари хусусиятларни Анор хола ва Зайнаб диалоги орқали акс эттирган:

- Бўлмайдими Собир тез гапир,
- Опа, бўлмас, жоним, гапим бор.
- Ё мени де, ёки Омонни,
- Нетай, тикдим йўлида жонни.

Навоий асарларига мурожаат, улар асосида янги асарлар яратиш анъанасининг янги кўринишлари О.Матчоннинг «Хамса» ёғдулари» туркумида, Ф.Усмоннинг Навоий дардлари асосида яратган шеърларида кўринади. Навоий асарларига мансуб сатрлардан бугунги асарларда фойдаланишнинг

ибратли намунаси Алишер Навоий драмасида ижобий ҳал қилинган. Драма муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири муаллифнинг Навоий сатрларидан ўринли ва меъёридан фойдалана олганлигидир.

Драма Навоий сатрлари икки хил кўринишда учрайди. Биринчиси: драма Навоий сатрлари айнан келтирилади. «Эй насими субҳ», «ўн саккиз минг олам» сингари ғазаллардан олинган байтлар, «/урбатда ғариб», «Нокасу ножинс» каби рубоий ва китъалар, Хисрав ва Фарҳод диалогларидан парча айнан келтирилган.

Шуниси муҳимки, бу парчалар воқеалар ривож, характер хусусиятларига мос равишда берилгани, улар сюжет кўринишининг ажралмас халқасига айланиб кетган. Гулини қарамда кўрган Навоий унга қарата шундай дейди:

Кўзим чиксин сени кўргунча мундоқ
Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ.

Навоий нутқидаги бу байт «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган. Дом-дараксиз кетган Фарҳодни излаб йўлга чиққан Баҳром унинг қабрини топади. Қабр устида шундай дейди:

Кўзим чиксин сени кўргунча мундоқ,
Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ.
Нелар келмиш бошинга ғурбат ичра,
Не ғурбатлар чекибсен шиддай ичра. . .

Драмада Навоий байтларидан фойдаланишнинг иккинчи йўли шундаки, шоир байтларининг мазмуни сақланган ҳолда қаҳрамон нутқи вазн, қофия шеърятларидан келиб чиқиб, ўзгартирилган ҳолда берилади. «Хайрат-ул аброр» достонида қуйидаги машҳур байт бор:

Одами эрсанг, демагил одами
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами

Драмада мазкур байт мазмуни сақланган ҳолда Турк нутқида қуйидаги шаклда берилган:

Кимики бўлса инсон, бўлса одам,
Халойиқнинг ғамин ойдур дамодам.

Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий» драмасида Навоий сиймосини А.Хидоят, О. Хўжаев, Ё.Ахмедовлар яратганлар. Саҳнада Навоий сиймосини узоқ йиллар О.Хўжаев муваффақиятли яратиб берди.

«Алишер Навоий» номли кинофильмда Навоий сиймоси Р.Ҳамраев томонидан яратилган.

Навоий сингари Бобур мероси ҳам XX аср ўзбек илми, бадиий адабиёти тараққиётига катта асос бўлди. Бобур ҳақида дастлабки рисола Я.Ёқубов томонидан яратилди (1941). С.Азимжонов Бобур ижоди бўйича номзодлик, докторлик диссертациялари ёқлади. С.Алиев, С.Жамолов, Л.Хўжаева, С.Шукуруллаева, С.Хасанов каби олимлар Бобур ижоди бўйича номзодлик диссертациялари ёқладилар. «Бобурнома» нашри бўйича С.Мирзаев, П.Шамсиев, С.Хасановлар катта иш олиб бордилар. Бобурни географ сифатида ўрганган Ҳ.Хасанов хизматларини ҳам таъкидлаш зарур. Бобур лирик мероси нашрида С.Азимжонов, А.Қаюмовларнинг катта хизмати бор.

Бобур меросини ўрганишда Андижон Давлат университети олимларининг ҳам улуши бор. С.Жалилов «Бобур ва Андижон», «Бобурнинг Фарғона давлати», Р.Шамсутдинов «Бобурни излаб», «Бобурийлар сулоласи», Б.Жалилов «Бобурнинг ижод қирралари», «Бобурнинг бадиий маҳорати», «Бобур» сингари китоб ва рисолалар яратдилар. Шўро сиёсатининг Бобур шахсига салбий муносабати унинг фаолиятини, меросини бунданда кенгрок ва чуқуррок ўрганишга имкон бермади. Шунинг учун бўлса керак. Чет эл олимлари яратган айрим тадқиқотлар салмоғи ва савияси жиҳатдан жаҳоншумул аҳамият касб этди. Бу борада Бакке Грамоннинг «Бобурнома» таржимаси учун Нобель мукофоти олиши, Япон олими Эйжи Мано 30 йил меҳнат қилиб, «Бобурнома» нинг танқидий матнини яратгани фикримизнинг далилидир.

Шўро сиёсати туфайли Бобур ҳақида бадиий асарлар яратган масаласи оғир кечди. Чет элларда аллақачон Бобур ҳақида ўнлаб бадиий асарлар яратилса-да, ўзбек адабиётида XX асрнинг 70-йилларига қадар Бобур сиймосини акс эттирувчи асарлар яратилмади.

Бу борада П.Қодировнинг жасоратини, маҳоратини алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг «Юлдузли тунлар» романи, шу ҳақдаги драмаси бу борадаги илк изланишлар бўлди. Ёзувчи Бобурнинг фарзандлари ҳақида «Авлодлар девони» номли роман яратди. Ҳ.Султонов «Саодат соҳили» номли қисса, «Бобурийнома» номли китоб ёзди. Андижонлик З.Мухитдинов «Захириддин Муҳаммад Бобур» номли драма яратди.

Бобур ҳақида фидеофильм яратилган бўлиб, унда Бобур сиймосини М.Абдуқундузов маҳорат билан яратди. Юқоридаги асарлар шўро даврида яратилганини ҳисобга олсак, Бобур сиймосини ҳаққоний акс эттирувчи шеър, баллада ва дoston, қисса ва романлар, драмалар яратиш ўзбек ижодкорлари олдидаги вазифа бўлиб қолмоқда.

Навоий ва Бобур кейинги давр ижодкорлари учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Кейинги давр шоирлари уларни ўзларига устоз санайдилар. Мунис Навоийни маънавият борасида ўзига пир деб билади, исмлари ўхшаш эканидан фахр этади:

Сўз ичра Навоийни жаҳонгир турур
Мунисга маоний йўлида пир турур

Огаҳий эса ҳар жиҳатдан Навоийга эргашиди, «Навоийи соний» бўлиб танилди.

Огаҳийнинг топгай эрди сози назмингдин наво
Бахра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санга.

Навоийнинг сермаъно ва бадий юксак меросини пухта ўрганиш Нодира ижодий камолотида муҳим омил бўлди. Моҳларойим Навоий сингари ўзбек ва тожик тилларида девон тузди.

Нодиранинг:

Гўзал ёримга, эй боди сабо, еткур саломимни
Ким элтар сендин ўзга ёр куйига паёмимни,-
Матлаъни ғазалида шундай сатрлар бор:

Муриди ишқ олам сўзман ушшоқ базмида
Навоий нолайи найдек баланд этди мақомимни.

Нодира Навоий ғазалларига мухаммаслар боғлади, шоир қўллаган радиф, тасвир воситаларидан фойдаланиш орқали устозига издошлик қилди.

Навоий:

Кўзингга тани нотавоним фидо
Равон бахш лаълингга жоним фидо.

Нодира:

Лабинг шахди нобига жоним фидо
Хиромон қадингга равоним фидо

Нодира Бобур ижодини ҳам пухта ўрганган. Бу икки

Бобур ҳақида видеофильм яратилган бўлиб, унда Бобур симосини
М.Абдуқундузов маҳорат билан яратди.

Юқоридаги асарлар шўро даврида яратилганнини ҳисобга олсак, Бобур Сиймосини ҳаққоний акс эттирувчи шеър, балнада дoston, қисса ва ромонлар драмалар яратиш ўзбек ижодкорлари олдидаги вазифа бўлиб қолмоқда.

Навоий ва Бобур кейинги давр ижодкорлари учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Кейинги давр шоирлари уларни ўзларига устоз

санайдилар. Мунис Навоийни маънавият борасида ўзига пир деб билади, исмлари ўхшаш эканидан фахр этади:

Сўз ичра Навоийни жаҳонгир турур

Мунисга маоний йўлида пир турур.

Огаҳий эса ҳар жиҳатдан Навоийга эргашди, «Навоийи соний» бўлиб танилди.

Огаҳийким топгай эрди сози назмидин наво

Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санга.

Навоийнинг сермаъно ва бадий юксак меросини пухта ўрганиш Нодира ижодий камолотида муҳим омил бўлди. Мохларойим Навоий сингари ўзбек ва тожик тилларида девон тузди.

Нодиранинг:

Гўзал, ёримга, эй боди сабо, еткур саломимни

Ким элтар сендин ўзга ёр куйига паёмимни,

-матлаъни ғазалида шундай сатрлар бор:

Муриди ишқ олам сўзман ушшоқ базмида

Навоий нолайи найдек баланд этди мақомимни

Нодира Навоий ғазалларига муҳаммаслар боғлади, шоир қўллаган радиф, тасвир воситаларидан фойдаланиш орқали устозига издошлик қилди.

Навоий:

Кўзинга тани нотавоним фидо

Равон бахш лаълингга жоним фидо

Нодира:

Лабинг шахди нобига жонини фидо

Хиромон қадингга равоним фидо

Нодира Бобур ижодини ҳам пухта ўрганган. Бу икки шоир лирик меросини ўрганиш шуни кўрсатадики, Нодира кўп ўринларда Бобур ижодига мурожаат этади, уни ўзига устоз деб билади. Нодира Бобур авлодидан эканидан фахр этади:

Саодат ханодони шоҳи Бобур насли покиман

Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни.

Шоира лирикасида Бобурийлар хонадонига мансуб ҳикоятлар, ривоятларга боғлиқ мисралар ҳам учрайди. Жумладан, «Олтин бешик» ҳикоятига боғлиқ шундай мисраларни ўқимиз:

Башорат сизга, эй аҳли жаҳоним, мулки дунёга

Чароғи махфихи олтин бешик Бобур нишон келди.

Маълумки, Бобур ўз лирик меросини шарқнинг буюк лириклари: Ҳофиз, Солмаонларга ҳам манзур бўлишини фахрия йўли билан айтган эди:

Ироқу форса гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,

Ани хифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутгуси Солмон.

Ана шундай орзу, ана шундай фахрия Нодира лирикасига ҳам хосдир:

Тонг эмастур бўлса бу муддатда устои суҳам

Нодира ашъорига таҳсин этар солмон кўриб

Бобур лирикасида ошиқ дардини маъшуқага етказишда кабутар восита бўлганини кўрамиз. Лирик қаҳрамон маъшуқага ёзган дил изҳорини кабутар оёғига боғлар экан, барибир, номукаммал бўлиб кўрина беради. Лирик қаҳрамон кабутарга мурожаат қиладики, сенинг нари болингга хатни эмас, кўнглимни боғласамки, унда маъшуқага бўлган машру муҳаббат тўла кўринсин:

Кабутар элтасен хаттим не бўлғай гар қабул этсанг
Кўнгилни боғласам ул нома янглиғ пари болингга
Кабутар детали Нодира лирикасида ҳам учрайди. Ёрдан хабар келтирган кабутарга офаринлар ўқийди:

Келтурсанг, эй кабутар, агар ёрдин хабар,
Кўрганда номасин пари болингдан ўргилай
Навоий ва Бобур тириклик чоғлари учраша олмаган бўлсада, вафотидан сўнг бир-бирига яқинлашдилар. Улар хоки Афғон тупроғида ётибди. Бири Ҳиротда, бири Қобулда макон тутган. Истиқлол Андижонда Навоий ва Бобурни бир-бирига яқинлаштириди. Навоий нимага боғ олдида тулпорга минган Бобур устозига пешвоз чиқаётгандай турибди.

НАВОИЙ ВА БОБУР ҲАЁТИ, ИЖОДИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

«Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлатириб, янги фуқоролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда»

И.Каримов

Инсон умрини шарли равишда 4 қисмга бўлсак, Навоий ўша 4 қисмнинг бир қисмини давлат ва жамоат ишларига, 3 қисмини эса илмий ва бадиий ижодга бағишлагандай бўлади. Бобур эса ўша 4 қисмнинг 3 қисмини давлат ва жамоат ишларига 1 қисминигина илмий ва бадиий ижодга бағишлагандай туюлади. Шунинг учун

бўлса керакки, Навоий ижодий мероси сон ва салмоқ жиҳатдан Бобур меросидан каттадир. Бу ҳақда аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун улардан қолган меросни кўздан кечиралик.

Навоий асарлари рўйхати

1. «Илк девон» (Навоий мухлислари томонидан тузилган)
2. «Бадое-ул бидоя»
3. «Наводир-ул ниҳоя»
4. «/аройиб –ус сиғар»
5. «Наводир –ус шаббоб»

6. «Бадое-ул васат»
7. «Фавойид-ул кибар»
8. «Девони фоний»
9. «Хутбаи девони» («Хазойин-ул маоний» девонига сўз боши)
10. «Ситаи Зарурия» (Қасидалар тўплами)
11. «Фусули арбъа» (йил фасллари ҳақидаги қасидалар)
12. «Мажолис-ун нафоис»
13. «Мезон –ул авзон»
14. «Насойим-ул муҳаббат»
15. «Муфрадот»
16. «Муҳокамат-ул луғатайн»
17. «Тарихи анбиё ва ҳукамо»
18. «Тарихи мулуки Ажам»
19. «Сирож-ул муслимин»
20. «Муножоат»
21. «Хамса»
22. «Лисон-ут тайр»
23. «Махбуб-ул кулуб»
24. «Назм-ул жавоҳир»
25. «Арбаин ҳадис»
26. «Муншаот»
27. «Вақфия»
28. «Ҳолати Саид Ҳасан Ардашер»
29. «Муноқиби Паҳлавон Муҳаммад»
30. «Ҳамсат-ул мутаҳайрин»
31. «Сабъхат абхур»

Навоий асарлари сони бундан-да кўп бўлиши мумкин эди. Аммо умри вафо қилмади. Ўзининг эътирофига, яна у Юсуф ва Зулайхо муҳаббати ҳақида, ўз муҳаббати ҳақида дoston, Ҳусайн Байқаро тарихини ёзмоқчи эди.

Бобур асарлари рўйхати

1. Қобул девони
2. Хинд девони
3. Техрон девони
4. «Бобурнома»
5. «Муббайин»
6. «Мухтасар»
7. «Волидия»
8. «Хатти Бобурий»
9. «Рисолаи қофия»
10. «Ҳарб иши»
11. «Мусиқа илми»

Бобуршуносликда унинг бизгача етиб келмаган асарлари сифатида «Ҳарб иши», «Мусиқа илми» асарлари кўрсатилади. «Бобурнома»ни

кўчирган котиб, унга ёзган иловасида шундай фикрлар айтган. «ва ул подшоҳ аруз ва қофияга ҳам рисолалари бор».

Бу битикдан маълум бўлдики, Бобурнинг қофия илмига оид рисоласи ҳам бор, бу асар ҳам бизгача етиб келмаган. Шўро даврида Навоийнинг 20 жилдан иборат асарлар тўплами нашр этилди. Аммо бу нашрда асарларнинг дебача қисмидаги ҳажд, наътлар, муножатлар тушириб қолдирилди. Шоирнинг диний мавзудаги асарлари нашр этилмади. Истиқлолдан сўнг эса Навоий асарлари тўпламининг 20 жилдлик тўлиқ наشري юзага келди. Ана шундай гапларни Бобур асарлари наشري бўйича айтиб бўлмайди. Аввало, Бобурнинг Техрон девони хали ўрганилмаганлигини айтиш зарур. Шоирнинг эълон қилинган шеърлар тўплами, аналки, 1947 йилда Самойлович томонидан нашр этилган шеърлари ҳам тўлиқ акс эттирмаган. Бундан ташқари, унинг «Бобурнома», «Мухтасар» каби асарлари бағрида шоир шеърлар тўпламига кирмаган 200 мисрадан ортиқ туркий ва форсий байтлар бор.

Ҳар бир ижодкор ўрганилаётганда унинг илк шеъри қайси деган савол туғилади. Навоийшунослар ҳозиргача унинг илк шеърини аниқлаган эмаслар. Шоирнинг ўз эътирофига, болалик чоғлари Сайид Хасан Ардашер хонадонидан ўқилган:

Фурқатингда заъфарон узра тукормен лолалар
Лолалар эрмаски бағримдан эрур парчалар
матлаъли ғазали, Лутфий лутфига сазовор бўлган:

Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлгач қуёш
Матлаъни ғазаллари дастлабки ғазаллари бўлиши мумкин.

Бобурнинг эса илк шеъригина эмас, илк байти ҳам қачон, нима муносабат билан ёзилгани маълум. Бобур дастлаб тугал шеърлар ёзган эмас. Унинг биринчи байти 1499 йилда ёзилган бўлиб, шоирнинг ишқий срагузаштлари билан боғлиқдир. Бу байт форс тилида ёзилган бўлиб, у қуйидагичадир:

Ҳеч кас ман харобу ошиқу расво мабод,
Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод

Бобур туркий, форс, урду тилларида ижод қилган. Шоир 1499-1500 йил воқеалари ҳақида «Бобурнома»да сўзлар экан: «Ул маҳаллар бирор байт форсидан айтур эдим», -деб ёзади. Шу йилларда Бобур туркий тилда ҳам байтлар айтган. Мана шулардан бири: Не борурға қувватим бор, не турарға тоқатим,

Бизни бу ҳолатга сен қилдинг гирифтор, эй кўнгил.

Бобурнинг туркий тилдаги туганл шеъри қачон ёзилган?
У 1500-1501 йиллар ҳақида сўзлар экан, Мулла Биноий ҳақида маълумот беради. Биноий Бобур номига қуй басталайди ва шу муносабат билан бир рубоий айтилади. «Ул фрдатларда бирор, иккирор байт айтур эдим. Веле ғазал тугатмайдур эдим. Биргина рубоий айтиб юбордим. Рубоий:

Ишлар бари кўнгилдагидек бўлғусидир,
Инъому вазифа бори буйрукғусидир.

Ул ғаллау муҳмолки деб эрдинг, бердим,
Муҳмалға бўю ғамидин уй тўлғусидир.

Бобурнинг туркий тилдаги биринчи тугал ғазали 1501-1502 йилларда ёзилган. «Ул ғазалким, тугатдим, ушбу кун юртта тугатдим. Ул тугатган ғазал будур:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Бу ғазал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар ғазалнинг туганди, у шул тортиб била ўқ-битилди».

Навоий ва Бобур ижодидаги ўзига хос хусусиятлардан бири улар асарларининг тил хусусиятига боғлиқдир. Навоий лирикаси тил жиҳатидан Лутфий ва Бобур асарлари тил хусусиятларидан фарқ қилади. Лутфий ва Бобур шеърларини Навоий шеърларига қараганда осон тушунасиз.

Бунинг сабаби шундаки, Лутфий ва Бобур туркий тилнинг ифода имкониятларини бошқаларга кўрсатиш, туркий тил ҳақидаги мавжуд қарашларни йўққа чиқаришни мақсад қилиб олмаган эди. Навоий эса туркий тил кўпол унда гўзал бадий асарлар яратиш мукин эмас каби фикрларни ёлғон эканини исботлаш, туркий тил жозибасини бошқаларга кўрсатиш учун қалам тебратди.

Шунинг учун Навоий шеърларида рамзлар кучли, истиория ва ташбеҳлар мураккаб экани билан фарқланади. Бунинг устига Навоий шеърлари ижодхонасида, махсус тайёргарлик асосида ёзилса, Бобурнинг қатор шеърлари бадиҳа йўли билан, гоҳ от устида гоҳ жангдан сўнг ва бошқа ҳолатларда яратилган.

Навоий ва Бобур лирикасидаги яна бир ўзига хослик лирик қаҳрамонга даҳлдордир. Маълумки, Навоий уйланмай ўтган. Шундай бўлса-да, унинг шеърларида висолга бўлган иштиёқ, кутиш дашлари азоби, ҳижрон баҳоси, висол қувончи сингари туйғулар шундай тиниқ тасвирланганки, буларнинг ҳаммаси шоирнинг тасаввур лавҳалари холос. Бобурнинг кўпгина шеърларининг лирик қаҳрамони бевосита шоирнинг ўзидир.

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик оёғига

Бошимни олиб, эй Бобур оёқ отгунча кетгаймен.

Навоий ва Бобурнинг бир мавзудаги шеърларини кузатганимизда, улар ижодидаги ўзига хослик янада равшан кўринади. Ёрлик-рўмол ҳақида Навоийда ҳам, Бобурда ҳам ғазал бор. Худди шу мавзуда Лутфийда ҳам ғазал бор. Лутфий ва Бобур ғазалларида лирик қаҳрамоннинг ёр рўмолига ҳаваси, ҳасади келади. Негаки, рўмол ёрнинг бошига ўралиб, унинг қаро сочларидан силаш, юзига, бўйнига тегиш бахтига муяссардир. Афсуски, ошиқ-бу бахтдан бебаҳра.

Навоийнинг ёғлиқ ҳақидаги ғазалида эса лирик қаҳрамон маъшуқа учун рўмол тикмоқчи бўлган чеварга нарсалар беради: игна ўрнига киприкларини, ип ўрнига жон ипини, қора ва қизил ранг ўрнига кўз

қорачиғини эзиб қора ранг ҳосил қилишини, ёш ўрнига кўздан оқаётган қондан қизил ранг олишни, гул ва ғунча андозаси учун юрakни-борингни жони ва имонини ҳам тақдим этади.

Навоийнинг лирик қаҳрамони ёрга фидоийликда Лутфий ва Бобур қаҳрамонларидан анча уchtун туради. Мана, байтларни қиёс қилинг .

Лутфий:

Ёғлиқ тегор лабингга на фархунда фоли бор,
Мен мубталои ҳажру анинг хуш висоли бор.

Бобур:

Ёғлиғинг токи юзу кўзингга тегиши бодурур,
Юз менингдек зору юз минг каби бемор анга.

Навоий:

Ёғлиғинг эй ким, тикорсен игна муғгонини қил,
Нақш этарда тори онинг риштаи жонимни қил.

Мумтоз адабиёт тарихида бирорта шоир йўкки, у ўз қаҳраомнини мажнунга ўхшатмасин. Бу масалада Бобур ижодида ўзига хослик кўринади. Навоий ўзига мурожаат этиб, ёр сони мажнун (жинни) деса, тонмагин. Жинни бўлмасанг, парига ошиқ бўласанми, дейди:

Эй Навоий, тонма гар дер ул пари Мажнун сени
Ошиқ ўлғайму парига улки Мажнун бўлмаса.

Бобур эса лирик қаҳраомнинг Мажнунга ўхшатмайди, ундан юксак кўяди. Бобурнинг лирик қаҳрамони ишқда шундай баркамолки, агар Мажнун ишқ истар бўлса унинг изидан борсак, ахир йўл бошловчи йўлга бошламаса, бошқалар адашиб қоладику!

Ишқ истар бўлса Мажнун айлағай пайровлигим
Йўлни не билғай киши то разнамо кўрсатмағай

Навоий ва Бобур ўз асарларида жуда кўп тарихий шахсларга шоҳларга , шоирларга, турли тоифадаги кишиларга муносабат билдирганлар. Уларнинг ўша тарихий шахсларга муносабатида айрича қарашлар, ўзига хос хусусиятлар мавжуддир.

Навоий ва Бобур асарларида Хусайн Байқарога алоҳида муносабат билдирилган. Дастлаб Навоийнинг Хусайн Байқарога муносабатини кўздан кечирайлик. Адабиётшунослар, тарихчилар бу икки буюк шахс муносабатини ўрганганда, кўпроқ уларнинг ижтимоий ҳаётдаги муносабатларига эътибор берганлар. Улар фаолияти шоҳ ва вазир, шоҳ ва муҳрдор, шоҳ ва амир муносабатлари доирасида ўрганилган. Улар фаолиятига шўро сиёсати нуқтаи назаридан баҳо берилган, бадиий ва илмий асарларда улар бир бирига қарши турувчи кишилар сифатида қаралган.

Улар муносабатини юқоридагиларга боғлиқ ҳолда икки инсон, икки дўст, икки ижодкор муносабати негизида ўрганиш қизиқарли маълумотлар беради. Бу икки шахснинг дўстлиги-буюк дўстлик. Инсоният тарихида бутун умр бўйи бирга бўлиш, бутун умр бўйи бир-бирига бу қадар садоқат кўрсатиш камдан-кам учрайди. Уларнинг икки инсон сифатидаги дўстлиги барча авлодларга ибрат бўлгусидир.

Алишер оиласи Темурийлар авлодидан эмас. Мирзо Хайдар «Тарихий Рашидий» асарида шундай ёзган: «Унинг асли уйғур бахшийларидан ва унинг отасини кичкина бахши дер эдилар, оддий кишилардан эди».

Навоийнинг ўзи ҳам «Бодос-ул бидоя» девонига ёзган сўз бошисида ўз оиласининг Темурийлар хонадонига яқинлигини гапирди:

Отам бу остонанинг хок беги,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи,
Манга гар худ бўлгай булбул ва гар зоғ-
Ки ушбу даргоҳ ўлгай гулшану боғ.

Мирхонд, «Равзат-ус сафо» номли китобида: «Амир Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умар Шайх билан кўкалтош эди», -деб ёзган. Алишернинг отаси Баҳодир Мирзо Байқаронинг ўғли /иёсиддин Мансур билан эмакдош бўлган. Алишер эса Ҳусайн билан кўкалтош эди. Алишер ўз отаси шоҳ саройидаги «ички»лардан эканини таъкидлайди. Демак, Алишер ва Ҳусайн Байқаро Навоий онасини эмиб улгайганлар.

Афсуски, Навоийга, Ҳусайнга оқ сут берган, улар қалбига эзгулик, гўзаллик туйғуларини она сутига йўғриб берган мухтарам зот ҳақида жуда оз маълумотлар етиб келган. Бу табаррук аёл Қобулнинг амирзодаларидан-Шайх Абу Саид Чангнинг қизи бўлган.

Ҳусайн Алишердан уч ёш катта бўлиб, улар умрбод бирга бўлдилар. Улар ўртасидаги айрилиқ йилларининг энг узоқи 1457 йилдан 1469 йилгача бўлган даврдир. Бу йилларда Ҳусайн тахт учун кураш олиб борган эди.

Иккинчи айрилиқ даври Навоий Астубодга ҳоким этиб тайинланган йилларига тўғри келади. Навоий ҳамиша Ҳусайн билан бирга бўлди, салтанат равнақи учун курашди.

Шоҳнинг Навоийга бўлган эъзоз ва ҳурматини кўплаб мисолар ёрдамида кўриш мумкин. Бошқалар шоҳнинг гапини икки қилиши мумкин бўлмагани ҳолда, Навоийга саккиз мартагача эътироз билдириш ҳуқуқи берилган.

Навоий шоҳ хазинасидан оладиган маошини ҳам олмаган, ўзи тез-тез шоҳ хазинасига катта инъомлар қилиб турган. Ҳусайн Байқаро дўсти Навоийнинг салтанатдаги ўрни, унинг фидоийлигини қадрлаган, уни ёнидан кетишга имкон бермаган. Ҳатто мусулмончилик фарзларидан бири бўлган ҳаж сафарига ҳам руҳсат берилмаган.

Хондамирнинг гувоҳик беришича, Ҳусайн Байқаро Навоийнинг ҳаж сафаридан қайтариш мақсадида ёзган бир хатида шундай фикрлар бор: «Маълумки, Сиз Хуросонда турар экансиз, ҳар қандай илтимосингиз бўлса, ҳурмат билан қабул қилинади. Мен шуни жуда аниқ биламанки, агар бу давлат сизнинг шарофатли вужудингиздан хоки бўлса, айрим шахслар ва халқ орасидаги ўзбошимчалик аҳвол ихтилолга айланиб кетади».

Султон Ҳусайн Навоий вафот этгач, уч кун унинг уйида таъзияга келганларни қабул қилади. Йигирмасида эса Сари хиёбон майдонида катта эҳсон ўтказди. 1501 йил 18 декабрда дабдабали йиғин ўтказиб, дўсти хотирасини эслайди.

Алишер Навоий Султон Ҳусайнни, аввало, дўст сифатида, шоҳ сифатида, улкан ижодкор сифатида беҳад кадрлар эди.

Навоий илк қасидаси- «Ҳилолия»дан тортиб, барча йирик асарларида Султон Ҳусайнни тилга олади, унга алоҳида боблар ажратади, унинг фазилатларини қониқиш билан қайд этади.

Навоий лирик ва эпик асарларида адолатли шоҳ тимсолини яратиб, Султон Ҳусайнни идеаллаштиради («Ҳайрат –ул аброр» достонидаги шоҳ /озий тимсоли каби), салбий шоҳлар тимсолини яратиб, улар фожеасини кўрсатиб, шоҳни улардан ибрат олишга, ундан қилмишларидан узоқ бўлишга даъват этади. («Сабъаи сайёр» достонидаги туш манзараси каби)

Султон Ҳусайн шоҳ бўлиш билан бирга замонасининг забардаст шоири, Ҳирот адабий мактабининг раҳнамоси эди. Навоий улкан шоир Ҳусайнийни беҳад эъзозлар эди. Ҳусайний таъбининг нозиклиги, нуктадонлигига мисол кўрайлик

Навоийда шундай воқеа баёни бор: Лутфий ва Навоий кечки пайт ёмғир шивалаб ёғаётган пайтда кўчада кетмоқда эдилар. Лутфийнинг оёғи сирғаниб, ерга ўтириб қолади.

Навоий кўмагида ўрнидан туради. Шунда Лутфий Хисрав Дехлавийнинг бир байтини ўқидики, байтнинг мазмуни ҳозирги ҳолатга ҳамоҳанг эди: шивалаб ёмғир ёғаётган пайтда кўчада кетаётган маҳбуба оёғи сирғаниб йиқилди: ёмғир ришталарини ушлаб ўрнидан туриб кетди!

Лутфий ҳам, Навоий ҳам Дехлавий тасвирига, ундаги маҳбуба ниҳоятда нозик қилиб тасвирланганлигига тасаннолар ўқишади.

Навоий шоҳ билан суҳбатида Дехлавий байтини ўқиб, Ҳайратини баён этади. Негадир Ҳусайний бунга муносабат билдирмайди. Бошқа кун Навоий ва Ҳусайн ёлғиз қолгач Ҳусайн Дехлавий байтини эсга олади, унга эътироз билдиради. Лутфий ва Навоий сезмаган ҳолатни Навоийга айтиб беради. Байтда мантиқ бузилган. Негаки, ёмғир ришталари осмондан ерга томон оқади. Қандай қилиб маҳбуба ерга томон оқаётган риштани ушлаб, ўрнидан туриши мумкин!!!

Инсоннинг ниҳоятда нозиклашиб қолганини кўрсатиш учун Ҳусайн шу ўринда бир байт ёзганини айтади:

Заъфдин кулбамда кўрмоқ истасанг айлар мадан,

Анкабуте ришта осган бўлса ҳар деворга

Ана шу икки ижодкор лирикаси киёсий ўрганилса улар фақат ижтимоий ҳаётдагина эмас, балки бадий ижодда ҳам бир-бирига жуда боғлиқ, яқин эканига гувоҳ бўламиз. Навоийнинг қатор ғазаллари бевосита Ҳусайний ғазаллари тасвирида ёзилган.

Маълумки, Ҳусайний «олий мажлис»да ўз ғазалларидан ўқир ва ғазалга татоббу қилишга амр этар, ёзилган татоббуларга баҳо берар эди. Ҳусайнийга муносиб жавоб айтиш ҳаммага ҳам насиб эта бермас эди.

Ҳусайний «олий мажлис»да шундай ғазал ўқийди:

Ўтга ёқғил сарви ул қадди раъно бўлмаса,

Елга бергил гулни ул рухсори зебо бўлмаса.

Сарв бирла гул томошосига майлим йўқтурур.

Боғ аро гул сарви гу руҳдин томошо бўлмаса
Неча сафлар чекди мужгондин агар жон мулкига,
Кўзларингни майли ҳар даш қатлу яғмо бўлмаса
Бўлмағай эрди жунун даштида саргордонлигим
Зулфи печи тобидин бошимда совдо бўлмаса.
Гавҳари мақсуд топмоқ мумкин эрмас, эй кўнгал,
Кўз ёшинг то васл умиди бирла дарё бўлмаса
Соқие, май тутки, хажр андуқидан бўлмак холос
Ҳар даш илгимда лабо-лаб жони саҳбо бўлмаса.
Эй Ҳусайний, уйку беҳудлиғ емак ғамдур менға
Бўлса оби хизр умри жовидон, ё бўлмаса.

«Бу шеърни,- деб ёзган эди Навоий,-бу авқотда ҳукм бўлуб эрдиким:
татббу қилғайлар. Баъзини айтти лотеди. Баъзи айтмаслигига маътароф
бўлдилар. Ул жумладин биз фақир эрдиким, инсоф бердим». Навоийнинг
Ҳусайний шеърига татаббуси бу шеърдир:

Ўтға солғил Сарв ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил чунки ул рухсори гулгул бўлмаса.
Сарсари олим эсар ғам жоми ҳижрон тоғиға
Телбаликдин ваҳши ҳар дам дардим афзундир агар
Ул пари ишқида ҳар даш дардим афзул бўлмаса
Гар кўнгул қатл истабон сен ваъда қилдинг тонгла деб
Ушбу дам ултур бу эҳсон бирла мажнун бўлмаса
Ҳирқа тинсин раҳн учун, эй шайх, олмас пири дайр,
Бода бермас токи узлук жинси мархун бўлмаса
Фоний, ул васл истар эрсанг бенаволиғдин не ғам
Бўлмасун ҳаргиз матои дунёви дур бўлмаса
Эй Навоий, тонма гар дер ул пари Мажнун сени
Ошиқ ўлғайму парига улки мажнун бўлмаса.

Ҳусайний шкърларига Навоий жавоб айтгани каби Навоий
ғазалларига ҳам Ҳусайний жавоб айтган ҳолатлар анчагина бор. Бу ҳолатни
Навоий шундай қайд этади: «Бу фақирнинг бир ғазалига жавоб бу ғазал воқе
бўлубтур, ўзим инсоф юзидин мутарифменким, юз марта ортуқрок
тушубтурким:

Тушгани ҳажрингга, э сарви гул, андоним менинг,
Не кўзимда уйку бор, не жонда оромим менинг.

Бу матлаъни ғазал Навоийнинг қуйидаги матлаъни ғазали таъсирида
битилган:

Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим менинг,
Ул сабодин йўқтурур кўнглимда оромим менинг

Ҳусайний Навоий ғазалларига меҳр қўйиб, уларга муҳаммаслар
боғлагани каби Ҳусайний ғазалларига Навоий ҳам муҳаммаслар боғлаган.

Ҳусайний Навоийнинг «Гулшан куйингдин айру боғи ризвонни
Нетай?», «Ул жигар парголаси ашним жигаргун қилдило», «/унчани хандон
бориб» каби ғазалларига муҳаммаслар боғлаган, уларни девонига киритган.

Навоий ҳам Ҳусайнийнинг «Эй Ҳусайний, Салтанатдин онга фаҳрим йўқтурур», «Ким дегайлар куйининг хайли гадосидин мени » каби ғазалларига муҳаммаслар боғлаган.

Навоий ва Ҳусайний лирикасида ҳамоҳанг сатрлар шу қадар кўп учрайдики, баъзан кимнинг таъсирида ким ғазал битганини ҳам аниқлаш мушкул бўлиб қолади. Қуйидаги байтларга эътибор беринг.

Ҳусайний:

Эй сабо, бергил ҳабар: сарви равоним келдиму,
Жон иси сендин келур, руҳи равоним келдиму?

Навоий:

Гул сочар ён боғ аро сарви равоним келдиму,
Жоиси гулдин келур ороми жоним келдиму?

Навоий Ҳусайний ижодига бўлган меҳрини «Мажолис-ул нафис» тазкирасида ёрқин намоён этган. Саккизинчи мажлис шоир Ҳусайнийга бағишланган бўлиб, бу мажлисда шоир ғазалларидан 164 матлаъ фахр билан келтирилган

Тазкирада 459 та шоир ижоди ҳақида гап борса, ҳеч кимга бу қадар илтифот кўрсатилган эмас. Бу илтифот аввало, шох Ҳусайн Байқарога, шоир Ҳусайнийга, бир умрлик дўсти Султон Ҳусайнга кўрсатилган илтифотдир. Навоий Ҳусайний матлаъларини шунчаки фахр билан келтириш билан чекланмайди. Уларни таҳлил орқали кўрсатишга, улардаги шеърӣ санъатларни таъкидлаб кўрсатишга ҳаракат қилади.

Ҳусайний ошиқки Фарҳод ва Мажнунларга қиёс этганда, шунчаки талмеҳ санъатини қўллаб қўя қолмайди, балки ошиқни улардан устун қўяди, бунда муболағанинг игроқ шаклидан фойдаланади. Шоир лирикасидаги бу ҳолат Навоий томонидан шундай шарҳланади: «ишқ ўтининг шиддат ва хиркотики, Мажнун андин бир учқун тиласа, боштин оёқ ўртангай, бу матлаъда бас сўзнок айтилибдурким:

Ишқинг ўтидин келиб Мажнун бир учқун истади,

Ол, дедим, сўнгач илиқ, боштин-оёғин ўртади.

Мазкур байтда Навоий таъкидлаган ироқ санъатидан ташқари истиора (ишқ ўти), тазод (боштин-оёқ) санъатлари, шунингдек, тавзий («н» товуши етти жойда келмоқда), асосланг («и» товуши ўн тўрт жойда ишлатилган) санъатлари ҳам борки, булар Ҳусайнийнинг катта шоир эканини кўрсатади.

Навоий Ҳусайнийнинг маълум шеърӣ санъат асосига қурилган ғазалларини алоҳида таъкидлайди: «Маъшук номаси етгандин масрур бўлгон маънида бу ғазал кўп рангин воқ бўлибтур, охиригача бир мазмун мусалсалдур, матлаъ будурким:

Фурқатингда йўқ эди жисмимда жон, жонимда тоб,

Кўзда хуноб эрдию ғамгин кўнгилда пелу топ.

Навоий ғазалнинг тадриж (мусалсал) санъати асосига қурилганини таъкидлаб, матлаънинг кўл рангин эканини айтиш билан чекланади. Ўша «кўл рангин»лик нимада, у қандай зоҳир бўлмоқда? Матлаъ мазмуни бундай: айрилиқ туфайли жисмимда жон, жонимда ҳарорат йўқ.

Кўзим тўла қон, ғамгин кўнглимда эса тўлғониш, қийналиш хукмрондир.

Байтда таносуб санъати қўлланмоқдаки, жисм ва жон тушунчалари бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. Айни шу сўзлардаги «ж» ундошининг такроридан (яна ҳар иккиси сўз бошида) тавзиъ «о» унлисининг такроридан (беш жойда келмоқда) асоканг санъати юзага келмоқдаки, бу байтнинг равон ўқилишин таъминламоқда. Байтдаги қофия бўлаётган сўзларга эътибор берайлик. Биринчи мисрадаги «тоб» сўзи «иссиқлик», «ҳарорат» маъносида келаётган бўлса, иккинчи мисрада эса бу сўз «печ» сўзи билан бирга келиб, тўлғониш маъносида ишлатилмоқдаки, бу тажнис санъатидир. «Тажнис кўнгил» бирикмасидаги сифатлаш эса айрилиқда қолган ошиқ ҳолатини равшан кўрсатмоқда.

Ҳусайний ўз рисоласида Навоийга юксак баҳо бергани каби Навоий «Мажолис-ул нафоис» тазкирасини дўсти Ҳусайнийга мақтов ва дуо билан якунлайди:

Ё раб, бу замон шоҳларинг шоҳи,
Ким кўнгли эрур шуури ниҳон огоҳи.
Бергил анга авж маҳдин то моҳи
Балким, кеча бор эса анинг дилҳоҳи.
Кўк орсаси базмгоҳи ўлсун, ё раб.
Кўк шамсаси чатргоҳи ўлсун, ё раб
Кавкаб адоди синоҳи ўлсун, ё раб
Ҳар ишда ҳақ паноҳи тасун, ё раб.

Навоий Ҳусайн Байқарони: «Салтанат баҳрининг дурри янтоси, фасохат оламининг нукта бирла сихрсози», - деб баҳолайди.

Кўринадики, Навоийнинг Ҳусайн Байқарога муносабати бир томонлама-васф ва мақтов йўлида кўринмоқда.

Бобурнинг Ҳусайн Байқарога муносабати эса бошқача тарзда кўринади. Бобур Ҳусайн Байқарони ўрни билан мақтайди, ўрни билан беомон танқид қилади. Умуман олганда, Бобурнинг танқидий қарашлари Навоий қарашларига нисбатан қатъи роқ, кескинроқ эканини қайд этиш зарур.

Бобур «Буюк Бобур империяси»нинг императори, Афғону Хинднинг хукмдори бўлгани учун, дунёга, тарихий шахсларга ўзгача муносабатда бўлгани учун, бировларни мақтаганда ортиқча муболаға, дабдабали сифатлашлардан фойдаланмайди. Хатто Амир Темурни оддийгина қилиб «Темурбек» деб қўя қолади. Алишер Навоийни ҳам «Алишербек» деб тилга олади. Қиёс устун Навоийнинг Амир Темур ҳақидаги қуйидаги муболағани фикрларини кўздан кечирайлик: «Агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрларин андоқ хўб маҳал ва мавқеида ўқуб турларким, анингдек бир байт ўқиғон юз яхши байт айтқонча бор»

Фикримиз исботи учун бир мисол кўрайлик. Хисравшоҳ деган типик мустабид, қаллоб, ғаломус хукмдор бўлиб, у бобур нафратига учрайди: « . . . юз минг лаънатдур қиёматгачаким, ҳар ким Хисравшоҳнинг бу афъолини эшитса, лаънат қилсун. Бу афъолини эшитиб лаънат қилмоғон ҳам сазовори лаънат бўлсун».

«Бобурнома»да Ҳусайн Байқаро 44 марта тилга олинган. Аввало, Бобур Ҳусайн байқаронинг Амир Темурдан кейинги энг салоҳиятли шоҳ эканини таъкидлайди: Султон Ҳусайн мирзо кўп ишлар кўрган, бисёр тажрибалар кечирган, улуғ ёшлик подшоҳ эди». Унинг шажарасини қуйидагича беради: Султон Ҳусайн мирзо бинни Мансур бинни байқаро бинни Умаршаҳ бинни Амир Темур онаси Ферузабегим эди, Темурбекнинг набираси. Султон Ҳусайн мирзо Каримут-тарафайн эди Ҳажи ота, хожи она томонидан Амир Темурга алоқадор шахслар «Каримут Тарафайн» дейилади.

Султон Ҳусайн портретини қуйидагича беради: Кийик кўзлук шер андом бўйлиқ киши эди. Белидин куй ингичка эди. Бовуждини, улуғ ёш яшаб, оқ соқоллик, бўлиб эди, Хушранг, қизил яшил обришини кияр эди.

Унинг характеридаги ибратли томонларини алоҳида таъкидлайди. Унинг адолатпеша эканини шундай ёзади: Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқлариға топшуруб, дорил қозоға йиборди. Жангдаги мердонолигини шундай ёзади: Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзога қилич чолмиш бўлғай.

Султон Ҳусайннинг хотинлари кўп бўлгани учун, ундан кўп фарзандлар қолган. Бобур унинг авлодини қуйидагича кўрсатади: ўн тўрт ўғил, ўн бир қиз қолиб эди.

Бобур Ҳусайн Байқаро замонини мақтаб тилга олади: Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва бенозир элдин Хуросон бетахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишининг ким бир ишга машғуллуғи бор эди. Ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай.

Бобурнинг уқтиришича, Ҳусайн Байқаронинг яна бир яхши иши Шайбонийга қарши Темурийларни бирлаштиришга қилган ҳаракати эди. Бобур бу ҳаракатни қўллаб қувватлайди: «Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек ўрниға ўлтурғон улуғ подшоҳ йиғноқ қилиб, атроф ва жавонибдин ўғлонларини ва бекларни талатиб, Шайбонихондек ғанимнинг устига озим бўлғонда, эл оёқ била борғонда, биз бош била борғай биз, эл таёқ била борғонда –биз тош била борғайбиз».

Бобур ана шу тарзда Ҳусайн Байқарога ижобий муносабат билдиради. Айни чоғда, унинг фаолияти, ижодидаги камчиликларни кўрсатишдан ҳам тортинмайди. Бобур Ҳусайн Байқаронинг ҳар куни ичкилик ичишини танғид қилади: Аввал тахт олғон маҳалда олти-етти йил тоиб эди. Андин сўнгра ичкуга тушди, қирқ йилға ёвуқнинг Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабуҳий қилмас эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳиға ва шаҳриға бу ҳол эди. Ифрот била айш ва фисқ қилурлар эди. Бундан ташқари, шоҳнинг намоз ва рўзага муносабатини ҳам ошқора кўрсатади: Мафосил заҳмати жиҳатидан намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди.

Бобур шу қадар синчковки, унинг диққатидан ҳеч нарса четда қолмайди: «. . . кичиклардек кўчқор саҳлаб, кабутар саҳлаб, кабутар уйнар эди, товук ҳам урушқа солур эди»

Бобур Ҳусайн Байқаронинг бадий ижодидаги камчиликларини ҳам кўрсатади: «Табъи назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур

эди. Тахаллуси «Хусайний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони томом бир вазндадур».

Бобур Камолиддин Гозургоҳийнинг «Мажолис-уш ушшоҳ» асарига Хусайн Байқаро томонидан ёзилган дебочани ҳам маъқулламайди. «яна бу ажаб чўлона амрдурким, дебочада Султон Хусайн мирзо ўзумнинг таҳрир ва таснифимдур, деб битибдур», - дея Султон Хусайннинг бу ишидан ажабланганини баён қилади.

Бобурнинг бундай кескин фикрлари фақат Хусайн Байқарогагина даҳлдор бўлмасдан, балки Бобур қарашларидаги изчил тамойилдир. Хатто амакиси Султон Маҳмуд мирзо ижоди ҳақида сўзлаганда ҳам бу тамойилдан чекинмайди. «. . шеъри бисёр сушт ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин атмоғон яхшироқдир».

Маълумки, 1465-1469 йилларда Навоий Самарқандда таҳсил олган. Ана шу йилларда Андижонлик шоирлар: Юсуфшоҳ Бадиий ва Сафойи билан яқин муносабатда бўлган. Навоий «Мажолис ун нафоис» тазкирасида муаммо усталарини санаганда Юсуфшоҳ Бадиий номини ҳурмат билан тилга олади: «Мавлоно Юсуф «Бадиий» тахаллуси қилур эрди. Ул ҳам Андижонидур» Мавлоно Сафойи била бўлур эрди. Фақир таҳсил учун Самарқандга борганда, ул Андижондин келди ва анда фақир била бўлур эрди. Сиғари син жихатидин шеърида ҳомлик бўлса, фақир ислоҳ қилур эрди. Бот бузургманши ва мутасаввир йигит бўлди ва Хуросонга келиб кўп салоҳиятлар ҳам касб қилди. Фақирдин ўзга киши анинг шеърида сўз айта олмас эрди Яхши суҳбати бор эрди ва кўпрак синф шеърни яхши айтур эрди ва аруз билур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Гар бадин обу ҳаво куят бувад манзилгоҳам,

Не зулоли ҳизр бояд не дами руҳуллоҳам

Байтнинг таржимаси қуйидагича:

Агар шундай обу ҳаво ҳолат, 9кайфият) дан сўнг сенинг кўчанг менинг манзилгоҳим бўлса

Ҳизр суви ҳам Руҳуллонинг нафаси ҳам ҳожут эмас.

Навоий давом этади: «Миръатус-сафо» қасидаси татаббунда бу байт яхши воқеъ бўлубтурким:

Дури мақсуд чуён маъмаул-баҳройи шуд сўфи,

Ки баҳре дар бар аст аз гашмаи ҳар чашми чирёнаш

Байт таржимаси

Чунки ёш тўқувчи кўзларнинг ҳар биридан

бир денгиз оқиб чиқади

Сўздан мақсад дурини кидириб, икки

Денгиз (овораси) бўлди.

Муаммо рисоласи битиб, анда кўп иш қилибдур. Мансур исмига бу муаммо анингдурким:

Маро зор шуд мунаввар ҳакан часим,

Ки омад дўст дар кошонан часим

Муаммо ечими қуйидагича: Мазидки: менинг учун кўзим уйи равшанлангани шундай бўлдики, кўзинг кошонасига дўст келди. Ечими: «Мунаввар»-«___» сўзи «дўст» сўзининг арабчаси-«Сиддиқ» _____нинг биринчи ҳарфи «сод»-__ билан тўлдирилса (кошона баланд, юқори ишорасига мувофиқ биринчи ҳарф) «Мансур»-_____ ҳосил бўлади.

Навоий Юсуфшоҳ ҳақидаги фикрларини шундай якунлайди: «Сарахода фавт бўлди. Мозори ҳазрат Шайх Лукмон хонаохидадур».

Маълумки, Навоий тазкирада жуда кўп шеърларни какошга олган бўлса-да, уларнинг бирор байтин келтириш билан кифояланади. Устозлари, улкан шоирларга кенгрок тўхтади. Хатто Отоийдек шоирнинг ҳам бир байтини мисолга олган ҳалос.

Юсуфшоҳ Бадиий ҳақида бу қадар муфассал маълумот бериш, ижодидан уч байт келтириш шоирнинг ижоди Навоий тамонидан юксак кадрланганини кўрсатади. Бобур эса Юсуфшоҳ ҳақида қисқа маълумот бериш билан кифояланади. «Бобурнома»да шундай маълумот бор: яна Юсуф Бадиий эди, Фарғона вилоятиндандур, қасидани ёмон айтмас экандур». «Мухтасор» асарида эса рамал баҳри ҳақида фикр юритаётиб, Навоий юқорида келтирилган биринчи байтни мисол тарзида келтиради.

Навоий ва Юобурнинг адабий-танқидий қарашларидаги фарқли томонлар м.солиҳ ижодига муносабатда ёрқин кўринади.

Навоий «Мажолис-ул нафоис» тазкирасида М.солиҳ ҳақида илиқ фикрлар айтади. «Муҳаммад Солиҳ-исми муносабати билан Солиҳ таҳаллус қилиур. . . ўзи мулойим йигитдур». Бобур эса М.Солиҳ ижодига қуйидагича баҳо беради: «Яна Муҳаммад Солиҳ эди, чошнилиқ ғазаллари бор, агарчи ҳамровлиғи чошнисига йўқтур, туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Сўнгра Шайбонийхон қошига келиб эди, филжула рияят қилиб эди. Шайбонийхон отиға бир туркий маскавий битибдур, бисёр суст ва фуруттур, ани ўқиғон киши Муҳаммад Солиҳ шеъридин безътиқод бўлур. Бир яхши байти будур:

Бўлди Танбалға Ватан Фарғона,

Қилди Фарғонани такбалхона

Шариф ва Золим табъ ва бераҳм киши «эди».

Кўринадики, Навоий томонидан «Мулойим йигит» деб таърифланган шоир Бобур томонидан «шариф ва золим табъ ва бефаҳм киши эди» деб таърифланмоқда.

Ёки XVI аср адабиётида реалист услубда ёзилган, воқеаларни ҳаққоний ифода этган «Шайбонийнома» достонига паст баҳо берилмоқда. Биринчи сабаб аниқ: Муҳаммад Солиҳ Бобурнинг биринчи даражали душмани бўлган Шайбонийхоннинг «малик-уш шуароси», «Амир-ул умароси» эди. Шайбонийхонга бағишлаб достон битган шоир эди. Шунинг учун Бобур М.Солиҳ ижодига айрича муносабатда бўлган.

Навоий ҳам Бобур ҳам адабиётшунос олим сифатида аруз назариясига оид махсус асар битганлар. «Мезон-ул авзон», «Мухтасар» асарларининг ўрганиш Бобур асарида кўпгина ўзига ҳосликлар мавжудлигини кўрсатади.

Бобурнинг «Мухтасар» асари фақат аруз шеър тизими билан боғлиқ масалаларни камраб олади дейиш унинг доирасини торайтириб қўйиши мумкин. Аслида бу рисолада анъанавий аруҳ ва унинг қонун-қоидалари баён қилинибгина қолмай, унда ўзбек шеършунослиги ҳамда эски ўзбек тили фонетикасининг арузга муносабати: туркий-ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма шеършунослигидаги ўзаро таъсир, уларнинг ўзига хос хусусиятлари: Бобурнинг ўзбек, Озарбайжон ва форс-тожик адабиётларининг забардаст намояндалари ижоди, асарлари ҳақидаги мулоҳазалари ҳам мўъжаз тарзда ифода этилган. Асарда адабиётшуносликнинг масалалари-ўзбек адабиётининг қардош адабиётлар билан алоқаси кўламида ёритилган.

Рисола арузнинг эл баҳри ва ундаги 537 вазн тавсиф қилинган. Арузга бағишланган бошқа китобларда, хусусан, Навоийнинг «Мезон-ул авзон», Сайфий Бухорий нинг «Меъзон ул ашъор» китобларида арузнинг 19 баҳри ҳақида маълумот берилган. Бобур эса тавил баҳри доирасида ҳосил бўлувчи ариз ва амиқ баҳрларини ҳам қўшиб, баҳрлар сонини 71 тага етказган. Рисолада ариз ва амиқ баҳрлари тавил, мадид, басит баҳрлари қаторида муталифа доирасига киритилган.

Диққатга сазовор жойи шундаки, Бобур бу баҳрларнинг ўзбек ва тожик шоирлари томонидан кашф этилганини алоҳида уқтириб, ариз баҳри ҳақида шундай ёзган: «Бу вазнда озий шеър топмайдурлар. Бу баҳрни Ажам шуароси пайдо қилиб, мақбури тавил дептурлар, ариз ҳам дерлар». Асарда аризнинг туртда, амиқ баҳрининг иккита вазнига мисол қилиб, жами, тўққиз байт келтирилганки, шундан олти байти ўзбек учун келтирилган мисоллардан қуйидагиларни айтиш мумкин.

Ариз баҳри:

Лабинг-маржон, тишинг-дур, хатинг-райҳон, қадинг-гул, сочинг-акбар, юзинг-хур, менгинг мултон, сўзинг-мул.. Мафоилун, фаулун, мафоилун, фаулун.

Амиқ баҳри:

Кел бари, эй тариким, ҳажрдин хастадурман,
Маълингга ташнадурман, зулфингга бастадурман.
Фоилун, фиолотун, фоилун, фиолотун.

Бу икки баҳр ҳар байти тўла саккиз рукнли бўлганлиги учун мусаммакоти солимун арқон деб аталган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу баҳр кўламда тарқалмаган экан. Шундай бўлишидан қаттиқ назар, Бобурнинг аруздаги баҳрларнинг ўзаро алоқаси асосида янги –янги баҳрларни ҳосил қилиш мумкин эканлиги ҳақидаги фикри аруз имкониятларидан ижодий фойдаланиш зарурлигини тасдиқлайди.

Навоий ва Бобурнинг ислом динига бўлган муносабатида ҳам ўзига хослик кўзга ташланади. Навоий бутун талантини, ҳаётини ҳаққа ва халқа бағишлаган ижодкор эди. У чинакам Оллаҳнинг ошиғи эди. Унинг болалик чоғлариёқ атторнинг «Мантиқ-уи тайр» китобини ёд олиши, ақлини танигач, тасаввуф йўлини қабул қилиши, талабалик йиллари Хўжа

Ахрор билан учрашуви, унинг эътиқоди бўлган нақшбандия тариқатини қабул қилиниши замонасининг йирик диншуноси бўлишини таъминлайди.

Алишернинг болалик чоғлари мураккаб, фалсафий дoston бўлган, «Мантиқит ут тайр» ёд олиш диққатга молик ходисадир. Ўтмиш шоирларининг жуда кўп шеър ёд билиши бугунги шоирларга ибрат бўлмоғи керак. Ўзи ёзган 10 қатор шеърни ҳам қоғозга қараб ўқиган шоирни шоир деб бўлармикан? Бобомиз Арузий Самарқандий «Нахор мақола» рисоласида шоир бўлишнинг шартларидан бири салафлар ижодидан 20 минг замондош шоирлар ижодидан 10 минг байт шеър ёд билиш эканлигини уқтирган.

Алишер Навоий «Муқонамот ут луғатайн» асарида шундай ёзган: «Йигитлигим замони ва шабоб айёмида авонида кўпроқ шеърда сеҳрсоз ва назмда фусун пардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абъётидин эллик мингдан ортиқ ёд тутубменг ва алар завк ва хушҳоллиғидин ўзумни овутупмен»

Бундай фазилат фақат Навоийдагина учрамасдан, бошқаларга ҳам кузатиш мумкин. Бобур «Бобурнома» асарида Ҳилолий ҳақида маълумот бериб, унинг ҳофизаси кучли эканлигини шундай таъкидлайди: яна Ҳилолий эди. Бисёр қавий ҳофизаси бор эмиш, ўттиз-қирқ минг байт ёдида бор эмиш»

Навоий ўз давригача ва ўз давридаги диний илмларини пухта эгаллади. Навоий асарларида зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» номи учрамайди. Аммо у «Занд» номли китобни тилга олади. Бу китоб «Авесто» китобининг лўнда баён қилинган шаклидир. Демак, Навоий «Авесто»дан тортиб «Қуръон»гача бўлган муқаддас китобларини яхши билган.

Навоий «Лисон-ут тайр» достонида Шайх Санъон ҳикоясини берган. Шайх Санъон христианлар магитига киргач, магит ичидаги ҳар бир деталь, ҳар бир безан шу қадар муфассал тасвирланганки, Навоий христиан динининг билағони сифатида кўринади. Ислom динига фарз ва суннат амаллар ҳақида «Сирож ул-муслимин» номли китоб ёзган, замонасининг Низомиддини даражасига кўтарилган. Оллоҳга бўлган меҳру-муҳаббатини лирик шеърларида, йирик асарлар дебочасидаги ҳажд бобларида, муножатларида ёрқин ифода этади.

Навоийнинг Оллоҳга бағишлаган байтларида ҳам унинг халқпарварлиги, инсонийлиги яққол кўриниб туради. Фарҳод ва Ширин» достонининг кириш қисмида, 3-муножотда шоир Оллоҳга қарата шундай дейди:

Бу санъатлар қилиб оламга саттинг,
Ким они одами хайлига қаттинг.
Бу ерга тегруким бўлди шимори,
Анга йўқ эрди ҳеч иш ихтиёри
Бу шидур турфанинг эгрига гар рост,
Қўя олмас қадам бўлмай санга хост
Не қилғон иш гар эмас анда мактуб.
Ненинг қилсанг эрур адлинга махбус.
Не дерсен бас бу жонъи бенoвга

Гуноҳи қилмайн қолган балога.

Ана шундай комил мусулмон бўлган Навоий нега ислом фарзларидан бўлган ҳаж амалини бажармади?

Навоий умри давомида уч марта ҳаж сафарига отланди, уч марта унинг ҳажга бориши ҳақида подшо фармони чикди. Аммо ҳажга жўнайдиган кун Ҳусайн Байқаро турли баҳоналар билан руҳсат бармайди. Навоий 3-марта ҳажга бормоқчи бўлиб, шохдан хат орқали руҳсат сўрайди. Шунда Ҳусайн Байқаро хатида шундай фикрлар бор: «Маълумки, сиз Хуросанда турар экансиз, ҳар қандай илтимосингиз бўлса, хурмат билан қабул қилинади. Мен шуни жуда аниқ биламанки, агар бу давлат сизнинг шарофатили вужудингиздан ҳам бўлса, айрим шахслар халқ орасидаги ўзбошимчалик аҳвон ихтилолга айланиб кетади».

Навоий ҳажга боролмагач, кўнглида вазирман, амирман, шохнинг дўстиман деган кибр пайдо бўлмаслиги учун шох фармони билан Ансорий қабрига жузвношлик (сув сепубчи, супурувчи) вазифасига тайинланади.

Кўринадики Навоийнинг динга бўлган муносабати бир йўлдан, Оллоҳ буюрган амалларни қилиш, бошқаларни ҳам бунга даъват этишдан иборат. Бобурнинг динга бўлган муносабатида эса ўзига хос қирраларни кузатамиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёт йўли, тақдири, ижоди, дунёқараши мураккаб ижодкордир. Унинг дунёқараши, ижодидаги зиддиятлар адиб яшаган давр, унинг ҳаёт йўли билан зич боғлиқдир. Ижодкорнинг дунёқараши, хусусан, унинг динга бўлган муносабати яхши ўрганилган эмас.

Бобур қолдирган илмий ва бадиий мерос унинг динга бўлган муносабатини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Бобур яшаган ва ундан кейинги вақтларда яратилган тарихий, адабий асарларда ҳам қимматли маълумотлар мавжуддир. У XVI аср фарзанди сифатида Оллоҳни, ислом динини муқаддас билади, ислом фазилатларига амал қилади. Оллоҳга қарата ҳамду санолар айтади. Шоир рубоийларидан бирида шундай ёзади:

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,
Ё баҳри иноятингда мустағроқ қил.
Ё раб, сенгадир юзум қаро, хоҳ оқ қил,
Ҳар насвъи сенинг ризонг эрур, андоқ қил.

Бобур яратганга ихлос билан қараш билан бирга, улуғ шайхларга ҳам алоҳида меҳр ва муҳаббат билан муносабатда бўлган. Хусусан, унинг Ҳожа Убайдуллога эътиқоди беҳад кучли бўлган.

Адиб «Бобурнома» асарида 1500-1501 йил воқеалари ҳақида сўзлар экан, Самарқандга ҳужум қила олмай юрган кунларини қаламга олади. Бекларнинг бири бир ой -қирқ кунда оламиз деса, яна бири йигирма кунда оламиз дейди. Нуён Кўкальшош эса «ўн тўрт кунда олур биз» дейди.

Шу суҳбатдан сўнг ўн тўрт кун ўтгач, кеча Бобур туш кўради. Тушига Ҳожа Аҳрор киради, уни ғалаба даъват қилади, унинг шарофати билан Бобур ғалаба қилади. Яхшиси бунинг Бобурнинг ўзидан эшитайлик:

Хожа Убайдуллоа келмишлар, мен истикболларига чиқмишман. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олдиға ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин Хазрат хотириға нима келмиш. Мулло бобо менинг сори боқиб, ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендан эмастур, дастархон солувчи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм имдиб, бу узр масму. Тушти. Қўптилар. Узата чикдим. Ушбу уйнинг дамонида ўнг қўлимдан ё сўл қўлимдан тутиб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Туртки дедиларким, шайх маслаҳат берди. Ўшул кеча мунда-ўқ Самарқандим олдим.

Бобур 1502-1503 йил воқеаларини ёзар экан, Хожа Ахрор руҳи уни ўлимдан олиб қолганини баён этади. Бобур душман қўлига тушиб, ўлим муқаррар бўлади. Шунда икки ракат намоз ўқиб олиш учун руҳсат сўрайди.

«... бошимни муножатқа қўюб, тилак тилайдир эдимки, кўзим уйғуға борибтур. Кўрардурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яхёнинг ўғли Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга аблоқот миниб кўп жамоати аблаҳ сувар билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз Хожа Ахрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларға истонат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ўлтурғузиббиз.

Бобур кўзини очса, уни қутқаргани келган Қутлук Муҳаммад бошлиқ кишиларни кўради. Маълум бўладики, Қутлук Муҳаммад тушига Хожа Убайдулло кириб, уни бу воқеадан хабардор этиб, Карнонга боришга даъват этган.

Бобур касал бўлиб холи танг бўлган пайтларда ҳам Хожа Убайдулло руҳига илтижо қилиб, дарддан ҳалос бўлганининг гувоҳи бўламиз. Дарддан азобдан қолган Бобур Хожа ахрорнинг «Волидия» асарини шеърӣ таржима қилиш туфайли шифо топганини ўзи қайд этган.

«Одина куни ойнинг йигирма унида харорате баданимда зоҳир бўлди. Андоқким, жума намозини масжидда ташвиш била ўтадим, намоз пешин эҳтиётини қилиб, китобхонада бир замондин сўнг машаққат била ўтдим. Индин якшанба куни имтиб, озроқ титрадим. Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида Хазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотирамга келди. Хазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглимга кечирдимким, агар бу мазума ул Хазратнинг маъқули булур, худ нечунким, соҳиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи ўлум маразидан қутулиб, назимининг қабулига далим бўлғусидир».

Улуғ шайхларга ихлос қўйиш, уларни ўзига пир санаш Бобурга Амир Темурдан мерос қолган. Амир Темурнинг биринчи пири Шамсиддин Кулол бўлса асосий пири Сайид Барака эди. Темур фаолиятидаги кўп ишлар Саид Барака маслаҳати, давлати билан амалга ошган. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўз жасадини пирининг оёқ томонига қўйилишини буюрган эди.

1931 йили Амир Темурнинг Ўрол бўйидаги Тўхтамишхон билан бўлган жангида Темур аскарлари оғир аҳволга тушиб қолади. Шунда Сайид Барака отдан тушиб, майда тошлар теради. Отга миниб, дуо қилади ва майда тошларни душман томон отиб: «Ёғи қочди», дейди. Темур аскарларни ана шу даъватдан илҳомланиб, муҳим ғалабани кўлга киритадилар.

Бобур ҳаётидаги яна бир ибратли ва ҳайратомуз воқеа шундайки, Бобур дуонинг кучи билан ўлим зарбасидан омон қолади. У 1506-1507 йил воқеаларини ёзар экан, тўс-тўпалон, жанг ҳолатида Дўст Сарипулий деган киши Аҳмад Юсуф билан танҳо қолган Бобурга ялонғоч қилич билан яқинлаша бошлайди. Бобурга қилич солади, аммо Бобур дуо ўқиб тургани учун шикаст етмайди.

«Мен совуққа ва қорга кўнганимдинму, мени танимади, ё уруш изтиробидинму эди, бетаҳоши яланг бозумга-қ қилич солди, тенгри инояти эди, сари мўл кор қилмади.

Агар тиғи олам бичинбанд зи чой,

Набуррод раге то нахоҳат худой.

(Агар олам тиғи ўз жойидан кўзғалса, худо хоҳламаса, бирор томирни ҳам қирқолмайди).

Мен бу дуони ўқиб эдим, анинг хосиятидин эдимки, тангри таоло бу мазарратни дафъ қилди ва бу мутаъважжих бўлгон балоғи рафъ қилди. ул дуо бу дуодир». «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳумма анта рабий, ла илаҳа илла анта, алайка таваккалту анта рабук аршин-азим. Маашаллаҳу кана ва лам яшаъ лам якун ва лаҳавла ва қуввата илла билла-хил-алийил –азим. Ва инъалам-иналлаҳа ала кулли шайин илман ва ахсо куллу шайин ададан.

Аллаҳумма инни аузубика мн шарри нафси ва шарри ғайри ва шарри кулли даббатин, анта олаз биҳосиятиҳа, иннака роббил аршил-азим»

Таржимаси: «Раҳимдил Аллоҳ номи билан бошлайман. Эй Оллоҳ! Сен раббимсан, сен соҳибимсан. Сендан бошқа ҳеч қандай яратувчи йўқ. Таваккал қилдим сенга ва сен улуғ арши аълонинг соҳибсан. Алоҳ нимани хоҳласа бўлади. Нимани хоҳласа-бўлмайди. Ҳақ таолодан бошқа ибодатга сазовор бирор маъбуд йўқ ва алоҳ улуғдир. Фақат мутлоқ куч-қувват буюк ва қудратли Аллоҳ таолодир. Сен энг билувчилан ва сен ҳамма нарсани қилишга қодирсан. Сен ҳақиқатда илм билан ҳамма нарсани ўраб олдинг ва сен билан ҳисобга олдинг.

Эй парвардигор! Мени ҳамма ёмонликлардан, ҳамма ёмонлик келтирувчи нарсалардан ўзинг сақлагин. Сен эсдан чиқарганларни жазолагувчисан ҳам. Сен ҳақиқатда улкан аршининг соҳибидурсан».

Бобурнинг Оллоҳга бўлган ишонч ва эътиқодининг бирлигини унинг умри охрларидаги, Ҳумоюн қаттиқ бетоб бўлиб ётган дамдаги фаолияти ёрқин ифодалайди. Бобур Оллоҳга астойдил илтижо қилади, унинг илтижоси

инобатга ўтади. Ҳумоюннинг аҳволи бениҳоя оғирлашгач, Хожа Халифа Ҳумоюн жони учун Кўхи Нур олмасини бағишлашни таклиф этади. Бобур эса ўз жонини бағшлайди.

«/араз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилиш керак. бас ўшал олмоским, Иброҳимни урушда тушиб эрди, Муҳаммад Ҳумоюнга иноят қилиб, эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё неди анинг ивазиға нечук бўлғай, мен анинг фидоси қилурменким, хад амри мушкул бўлубтур. Ва андин ўтибдурким, мен анинг бетоқатлигини тоқат келтургаймен.

Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошдин ўргулиб, дедимким, мен кўтардим хар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдим, ул енгил бўлди. Ул сихат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлиб йиқилдим» (459).

Бобурнинг динга бўлган муносабатининг бир қирраси унинг унинг ичкиликка муносабатидир. Май ичиш ва майхўрлик ислом динида қаттиқ қораланади. Навоий шаробни «уммул хабоис», яъни барча ёмонликлар, фалокатлар онаси деб айтган.

Бобур бу масалани яхши тушунса-да, ҳаётдаги зиддиятларга чидай олмай, майхўрликка берилади. У ўз ватанида катта куч-қудратга эга тахт соҳиби бўла олмади. Куч-қудратли тахт соҳиби бўлганда эса ватанидан узоқда бўлди. Не-не ишонган бекларидан бевафолик кўрди. Темурий шоҳ ва шахзодалар уни қўллаб-қувватламади. Буларнинг барчаси Бобурни майхўрлик сари етаклади.

Келгилки, дами ўлтурубон май ичайлик,
Дунё ғаму ранжидин замон кечайлик. (163)

Демак, дунё «ғаму ранжидин» маълум фурсат фориг бўлиш воситаси сифатида майга ружуъ қилади. Майхўрлик шунга олиб келадики, у рамазон кунлари ҳам, ийд кунлари ҳам май ичади, ойлар, йиллар намоз ўқимади, рўза тутмади:

Келди рамазону мен тақи бода параст,
Ийд ўлди-ю зикри май қилурмен пайваст.
Не рўза-у, не намоз йиллар, ойлар,
Тун-кун майу мажъун била девонау маст (166).

Оқибат шу даражага етдики, Бобур эрталаб тупурса, оғзидан қон келди. Кўнгилга майхўрликдан тавба қилиш истаги тушди. У «Бобурнома»да 1526 йил воқеаларини тасвирлар экан, шундай ёзади: «Душанба куни жумадил-аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номажруъ амр иртиқобидин алау давом кўнглимда ғубор эрди, дедиким эй нафс:

Чанд боши зи маоси мазанаш,
Тавба ҳам бемаза нест, бачам!
Нега исён била олудалигинг,
Нега хирмон аро осудалигинг.
Нега нафсингга бўлурсен тобеъ,
Нега умрингни қилурсан зойиъ.
Нияти ғазв ила ким юрубсен,

Ўлмакингни ўзунгга қурубсен.
Кимки ўлмас ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатга билурсенки нетар.
Дур этар жумла маноҳийдин ўзин,
Аритур барча гуноҳидин ўзин.
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,
Тавба қилдим чағир ичмакликтиён.
Олтину нукра суроҳи-ю оёқ,
Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк этиб майни, кўнглим тиндурдум (1382).

Синдирилган олтин, кумуш идишлар бечораларга, дарвишларга бўлиб берилади. Шуниси аҳамиятлики, шоҳ Бобур тавбасидин ибрат олган сарой аҳли ва аскарлардан шу куни уч юз киши тавба қилган.

Бугина эмас, шоҳ Бобур ичкиликни тағқиқловчи махсус фармон чиқарди, фармондаги ибратомуз бўлган ўринлардан мисоллар келтирамиз.

«Бу сўзларни ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русуми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдин лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдин тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шариат манъ қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружуъ қилинади. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди... ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин ва келтирмасин «Ичкиликдан қочинглар, шояд нажот топсанглар» (468).

Бобур фаолиятидаги дадиллик, шижоат белгиси бўлган ишлардан бири унинг «Қуръон» битилган араб ёзувни туркий тил қонуниятларига мос эмаслигини айтига, янги алифбо тузишга, уни амалиётда қўллашга журъат этишидир. Ислом дини гуркираб турган ХҲІ аср шароитида бундай фаолиятининг юзага келиши хайратомуз воқеадир. Бу фаолият шуни кўрсатадики, Бобур ҳар қандай қонун, шариат буюрган амаллари кўр-кўрона эмас, реал ҳаётий шароит ўлчови билан ўлчаб иш кўрган.

Тарихда «Хатти Бобурий» номи билан қолган алифбо Бобурийлар саройида амалиётда қўлланган. Бу фикрнинг исботи сифатида «Бобурнома»да кетирилган қуйидаги фикрларга мурожаат этайлик.

«Мулло Бихштийдин Ҳиндолга мурассаъкамар ва ҳанжар ва тағбанд ва «Бобурий хатти била битилган қитъалар йиборилди».

Шундай қилиб, «Хатти Бобурий» маълум доираларда, маълум вақт яшаган бўлса-да, ислом дини таъсири катта бўлгани сабабли кенг доираларда шуҳрат топмади.

Бобур чин мусумлон сифатида шариат қоидаларига онгли муносабатда бўлиш билан бирга, ақл бавор қилмас хурофий тушунчаларга, воқеаларга қарши бўлган. Одамлар кўр-кўрона ишонаётган, қойил бўлаётган кўпгина нарсаларнинг таги пучлигини, ундай бўлиши мумкин эмаслигини Бобур бир неча марта исбот этган. Бундай фаолият Бобурнинг кучли ақл ва заковат эгаси

эканлигидан, кўркмас ва шижоали одам бўлганлигидан юзага чиққан. Бобур Қобул ва /азна шаҳарларини эгаллагач, шундай гап эшитадики, /азнада бир мазор бўлиб, у ерда бир шайх тиловат қилса, қабрлар тебранар эмиш. Бобур мазорга боради, у ердаги хийлаларни фош қилади.

«/азнанинг кентларида бир мазор бордурким, саловат айтгач, қабр мутаҳаррик бўлур. Бориб мулоҳаза қилинди, қабрнинг тебрангани махсус бўлди. Сўнгра маълум бўлдики, мужовирларнинг тазвири экандур. Қабрнинг устига бир жунъа ясабтурлар, ҳар замон жунъага тегатурлар, жунъа тебрангач, қабр тебрангандек махсус бўлур. Буюрдимким, мужовирлар жупъдин йирок турдилар, бир неча саловат айттилар, қабрда ҳаракат махсус бўлмади. Буюрдимким, жунъани бузиб қабрнинг устида гумбаз қилдилар». Яна бир мисол шундайки, китобларда шундай ёзилган эканки, /азнадаги бир булоққа «нажосат ва қозурат» ташланса, ўша дамда тўфон кўтарилиб, «ёғин ва чопғун бўлур». Бобур бу гапнинг ёлғонлигини исбот қилган. «Мен /азнада ҳар неча тажасир қилдим, бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади» (197).

Хулоса қилиб айтганда, Бобур ҳаёти давомида ислом қоидаларига чин мусулмон сифатида қаттиқ риоя қилган, айрим вақтларда эса уларга зид келувчи фаолият билан ҳам шуғулланган. Буларнинг барчаси Бобур ҳаёт йўлидаги зиддиятлар билан зич боғлиқ ҳолда юзага келган.

Навоий ва Бобур ҳаёт йўлидаги яна бир ўзига хослик улар авлодларининг бизнинг давримизгача етиб келиши масаласидир. Навоийнинг уйланмай ўтиш, ундан зурриёдлар қолгани унинг авлоди вакиллари бизгача етиб келишига имкон бермади.

Бобурнинг эса кўп хотинлик билиши, фарзандлари кўп билиши унинг авлодининг кўп билишига, бизнинг кунимизга қадар етиб келишига сабаб бўлди.

Шўро сиёсати биз, ўзбекларни шу масалада ҳам алдамоқчи бўлди. Шўро даврида «Известия» газетасида «Афсонанинг тугаши» номли кичкина мақола эълон қилиниб, унда Бобур авлодининг сўнги вакили вафот этгани, бу билан Бобур авлоди туггани ҳақида хабар эълон қилинган эди.

Истиқлолгача эришгач, «Бобурнома»га бағишлаб халқаро анжуман ўтказилди. Шу муносабат билан Хиндистондан, Бобур авлодларидан юртбошимиз номига миннатдорчилик хати келди. Хиндистонга Бобур авлодлари билан танишиш учун вакиллар жўнатилади. Маълум бўлдики, «Известия» газетасидаги хабар ёлғон бўлиб, бугун Хиндистон ва бошқа юртларда Бобур авлодлари бордир. Зиё Тусий бошлиқ Бобур авлодлари Тошкентда, Андижонда бўлдилар. Бугун Бобур авлодларидан: Покиза Султонбегим, Темур Ҳусайн кабилар Ўзбекистон билан яқин муносабат ўрнатганлар.

Биз ўзбеклар, Навоий ва Бобур авлоди эканлигимиздан фахрланамиз. Ўзбекистонда бугун Навоий ва Бобур ҳаёти ва ижодини кенг ўрганилиши, улар асарларининг қайта-қайта нашр этилиши, ҳар ўн янги туғилган фарзанднинг бири Алишер, бири Бобур экани Навоий ва Бобурнинг номи Ўзбекистонда Муқаддас эканини кўрсатади.

Навоий ва Бобур ҳаётининг сўнги нуқтасида ҳам ўзига хослик бор. Биз ўзига хослик Бобур қабрининг очилиши, унинг хокини бошқа жойга кўчириш билан боғлиқдир.

Тарихга бир назар ташласак, анчагина машҳур тарихий шахсларнинг қабри очилганига гувоҳ бўламиз. Маълумки 1941 йилда қизил империя амри билан Амир Темур қабри очилган. Темур жасади қабрдан олинган. Унинг бош суяги Петербургга олиб кетилган. Герасилов деган рус хайкалтарош Амир Темур бош суягидан Темур расмини ясадим деб бизга бир расмни тавсия этган. Истиқлолгача шу расм Амир Темур расми деб келинди.

Истиқлолдан сунг эса тарихий китобларда тасвирланган Амир Темур портрети тасвири асосида унинг расми ишландики, у Герасимов расмидан тубдан фарқ қилади.

Темур қабри очилган кун Улуғбек қабри ҳам очилган. Бундай қисмат Абдурахмон Жомий тақдирида ҳам учрайди. Эрон шоҳи Исмоил Сафавий сина Мазҳабига мансуб бўлиб, ўз асарларида сина мазҳабини танқид қилгани учун, агар Хиротни эгалласанг, Жомийни ўлдираман, агар ўлган бўлса, гўрига ўт кўяман деб қасам ичган эди.

Исмоил Сафавий Хиротга яқинлашгач, Жомий ўғиллари отаси қабрини очиб, суякларини бошқа жойга яширадилар. Исмоил Сафавий Жомий мақбарасига ўт кўяди.

Инглиз ёзувчиси Вольтер Скоттнинг онаси вафот этганда, кўлидаги тилла узуги билан дафн қиладилар. Бундан хабардор бўлган ўғрилар қабрни очиб, узукни олмоқчи бўладилар. Қабрни очгач, ўлган аёл чинқираб юборади. Ўғрилар бўлари бўлиб, қочиб қоладилар. Қабристон қоровули шовқинни эшитиб, қабрга келади, марҳуммани қабрдан тортиб олади. Аёл бу воқеадан беш йил ўтгач, фарзанд кўради. Бу фарзанд-Вальтер Скотт эди.

Ҳусайн Байқаро Шайбонийхонга қарши барча Темурийларни йиғиб машварат ўтказди. Темурийлар лашкарларни жамланаётган дамда Ҳусайн от устида ўлиб қолади. Вақт тигиз, душман яқинлашиб қолгани учун, уни шошилининг дафн этадилар.

Кейинча унинг хокини муносаброқ жойга кўчириш учун, қабрни очадилар. Очсалар. . . Сўлтон Ҳусайн юз тубан ётар, қабр қабр деворлари унинг панжалари билан тирналган эди. Бугунги тиббиёт типи билан айтгандаЮ Ҳусайн Байқаро клиник ўлимга учраган, кўмилгандан сўнг маълум вақт ўтгач, тирилган қабрдан чиқа олмай, қайта ўлган экан. Маълумки, Темурий шоҳлар ичида фақат Бобур тирик чоғи тахтни ўғли Хумоюнга топширган эди. Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида Аграда ўзи обод қилган Зарафшон чорбоғида вафот этади.

Паракондалик бўлмаслиги учун, Бобурни яширинча шу ерга дафн этадилар. Халққа эса шоҳ дарвеш бўлиб, халқ ичига кириб кетди, деб эълон қиладилар. Бобур тириклик чоғи ўз хокини ўзи обод қилган «Боғи Бобур» деб аталган Қобул шахрининг чеккасига қўйишни васият қилган эди. Бу васиятни унинг чевараси Шохжахон 1533 йилда амалга оширган.

Андижондаги «Боғи Бобур»га ўрнатилган Бобурнинг рамзий қабри ўша қабр ёнидан олинган тупроқ асосида барпо қилинган.

«Бобурнома»да Навоий ҳақидаги маълумотлар.

«Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довуғини дунёга торатган улўғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади»

И.Каримов.

«Бобурнома» асарида 1551 киши номи тилга олинган. Улар ичида жуда кўп тарихий шахслар (Темурий ҳукмдорлар, ҳарбий амалдорлар. Илм-фан ва санъат намояндалари)нинг шоир машоирлари (портретлари) ва руҳиятлари моҳирона чизилган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари баёни орқали шахсий хусусиятлари (характерлари) очиб берилган. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатларини ёритганда, Бобур уларга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлишга, уларнинг яшаш тарзи ва шароитидан келиб чиқиб, феъл-атворларининг энг муҳим жиҳатларини мумкин қадар аниқ ва ихчам ибораларда, лўнда ифодалашга ҳаракат қилган.

«Бобурнома»да Навоий ҳақидаги фикрларни кўздан кечирайин.

Бобур Навоий билан учрашмаган бўлса-да, лекин ёшлигидан унинг шахсига ва ижодига катта меҳр –муҳаббат билан тарбия топган. Бобур туғилган йили Навоий буюк «Хамса»ни ёзишга киришган, Самарқанд тахтини эгаллаган 1498 йили эса Навоий «Хазойин-ул маоний» девонини тузган эди.

Бошқа тарихий асарларда: Жомийнинг «Баҳористон», Ҳусайн Байқаронинг рисоласи, Восифийнинг «Бадойи ул- воқеа», Хондаларнинг «Макориш ул аҳлоқ» каби асарларида Навоий ҳақидаги маълумотларда, асосан васф ва мақтовни кузатамиз. «Бобурнома» асарида Алишер Навоийга юксак баҳо бериш билан бирга, айрим ўринларда танқидий фикрларни ҳам кузатамиз.

Бобур «Бобурнома» асарида Навоий номини 16 марта тилга олади.

«Бобурнома»да 1505-1506 йил воқеалари баён қилинар экан, Ҳусайн Байқаро ҳақида маълумот берилаётган ўринларда Алишер Навоийга ҳам тўхтайди. Жумладан, шундай фикрларни кузатами: «Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп пйтгон эмас». Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Навоийнинг туркий тилда «кўп ва хўп айтғони» мана шу шаклда биринчм марта Жомий

томомнидан айтилган. Жомий Баҳористон китобининг 7-бобида Навоий ҳақида сўз юритиб, ана шундай образли фикр айтган эди.

Бобур давом этади: олти маскавий китоб назм қилибтур, беш «Хамса» жавобида, яна бир «Мантик-ут тайр» вазнида «Лисон-ут тайр» отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: «/аройиб ус сиғар», «Наводир-уш шаббоб», «Бадойи-ул васат», «Фавоид-ул кибар» отлиқ. . яна «Мезон-ул авзон» отлиқ аруз битибтур, бисёр мадхулдур. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт ғакот қилибтур»

Кўринадики, Бобур Навоийга танқидий муносабатда бўлмоқда. Навоий арузнинг мураккаблигини тушунган ҳолда китоб охирида шундай ёзган эди: Илтимос бу фан аҳлидин улким, ҳар ерда саҳв ва хатос воқеъ бўлмиш бўлса, эътироз била ўтмағайлар ва қалами била тузатғайлар.

Бобур «Бобурнома»да Навоий хатолари ҳақида фикр айтса-да, «Мухтасар» асарида бу ҳақда тўхталмайди. С.Хасанов фикрига кўра, Бобур аввал котиблар томонидан нотўғри кўчирилган нусхани кўрган бўлса, «Мухтасар»ни битишдан аввал тўғри матнни кўрган бўлса керакки, Навоий хатоларига тўхтамаган.

Бобур давом этади: форсий девон ҳам тартиб қилибтур форсий назмда «фоний» таҳаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, веле ансар суст ва фурудтур». Яна танқидий фикрига дуч келмоқдамиз. Бу баҳо китобхонни ўйлантиради. Бобур янглишдимикин? Ёки чиндан ҳам «Девони форсий»даги шеърлар «суст ва бўш»ми? Туркий тилда «кўп ва хўп айтқон», «яхши рубоёти бор» шоирнинг форсий девонидаги асарлари нега «суст ва фуруд»? Тожик адабиётшуноси А. Мирзаев «Девони фоний»даги ғазаллар Ҳофиз, Жомий ғазалларига ҳамоҳанг бўлиб, ғоявий-бадий жиҳатдан улардан қолишмаслигини кўрсатган. Э.Шодиев Навоийдан бошқа фоний таҳаллусли шоирлар ҳам борлигини айтиб, Бобур ўшалардан бирининг девонини кўрган бўлса керак, деган фикрни айтади. «Мажолис-ул нафоис» тазкирасида 12 та фоний таҳаллусли шоир ҳақида маълумотлар бор. Бизнингча, Бобурга Навоийнинг туркий тилдаги асарларига нисбатан форс тилидаги лирик меросининг бўшроқ кўринишининг сабабини тил имкониятларидан қидирмоқ керак. Туркий тилнинг сержилолиги, ифода имкониятларининг бойлиги юқоридаги Бобур баҳосига сабаб бўлган. Унга «Ҳазойин-ул маоний»даги шеърларга нисбатан «Девони фоний»даги шеърлар бўшроқ кўринган.

Бобур Навоийнинг мусикадан Хабардор эканини, ўзи куйлар яратганини қайд этади: яна мусикада яхши нимахор боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур»

Навоий адабиёт ва санъатнинг чинакам хомийси эди. Талантли ва иқтидорли кишиларни кадрлар, уларга моддий ва маънавий кўмак берар эди. Хиротдаги ва бошқа жойлардан Хиротга келган ихтидорли кишилар Навоий кўмагида камолотга эришганлар. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва мунаввий маълум эмаски, харгиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн

Удайнинг, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоли била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи ҳар ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.»

Маълумки, Навоий ўзини Оллоҳга бағишлаб, уйланмай ўтди. Бу масалани Бобур шундай қайд этган: Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жорийда ўтарди. Аммо Бобур бунинг сабабини кўрсатмайди. Бугунги адабиётшунослик бу масалани турлича талқин этади.

Н.Аҳмедов «Тарихий шахслар талқини» (1988) номли китобида Навоий уйланишга қодир эмас эди, шунинг учун уйланмай ўтган, деган фикрни беради. У исбот сифатида Бобурнинг куйидаги фикрларини келтиради: «Алишербекнинг мижози нозук била машҳурдур». Аҳмедов «мижози» сўзининг маъносини нотўғри тушуниб, шундоқ хулосага келган. Бу сўз «табиат», «характер» маъносида қўллангани, бунинг исботи «Бобурнома»нинг шу ўринда айнан берилган: «Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат (яъни мажознинг нозирлиги-таъкид бизники) анга жабилли экандур. Самарқандта эканда ҳам ушрукдоқ нозук мижоз экандур».

Бу фикрнинг нотўғри эканлиги Зайлиддин Васикийнинг «Бадос-ул воқое» китобида келтирилган мана бу воқеа ҳам исботлайди. Бир куни Ҳусайн Байқаро ва Хадича бегим Навоийнинг уйланмаслик сабаби масаласида тортишиб қоладилар. Бу масалани ойдинлаштириш учун Давлатбахт исмли Хадичабегим канизакларидан бирини шеър кўрсатиш баҳонаси билан намоз асрдан сўнг Навоий хузурига жўнатадилар. Канизак шом вақти бўлса ҳам, уни буни баҳона қилиб кетишга шошилмайди. Навоий бу ҳила шоҳ ёки унинг хотини томонидан қурилганини тушуниб, канизакни мурод мақсадига етказиб кузатиб қўяди.

Х.даврон эса «Сирли олам» журналида эълон қилган «Навоийнинг ички армони» номли мақоласида «Навоий Хадичабегимни севган, унга Ҳусайн Байқаро уйлангач уйланмай ўтишга қарор қилган» деган фикрни айтади.

Бу фикр ҳам тўғри эмас. Чунки Хадичабегим гўзал аёл бўлса-да Навоий севадиган аёл эмас эди. Ўтмишда шаҳарнинг расмий хотинларидан ташқари «ғунчачи», «ғулма» номлари билан юришадиган хотинлари ҳам бўлган.

/улчаги шундай хотин эдики, у шоҳ ҳарамида яшайди, шоҳ хоҳлаган вақтда у билан учрашиб туради. /улмалар эса бахти қаро хотинлардир. Шоҳ улар билан бир марта учрашгач, қайта учрашмайди. Улар умрбод шоҳ ҳарамида яшашга мажбур аёллардир.

Ҳусайн Байқаро Абу Саид Мирзо тахтига ўтиргач, у замон урушига кўра бутун харом Ҳусайн Байқаро ихтиёрига ўтади. Хадичабегим гўзал ва айёр аёл бўлгани учун шоҳнинг асосий хотинлари қаторидан жой олади. Аслида у шоҳнинг олтинчи хотини эди. Ўғли Музаффар Султонни тахтга ворис қилиш учун кўп ёмон ишларни амалга оширади. Ҳусайн Байқаро салтанатининг емирилишига асосий сабаблардан бирига айланади.

Навоийнинг уйланмаслик сабабини бу дунёни ўткинчи дунё деб тушуниши, чинакам бахтни Оллоҳ жамолига эришиш деб англаши, диний эътиқодининг ўта кучли эканида деб тушунмоқ керак.

Халқ оғзаки ижодидаги ҳикояларда, бадий асарларда бу тимсол тўқима тимсол бўлиб, халқ ўзи севган Навоийни ёлғиз кўришни истамай, ўзи яратган ҳикояларга Гули тимсолини олиб кирган. Гули ҳақидаги фикрлар биринчи марта рус адабиётшуноси Семёнов асарларида учрайди. Семёнов Гули тимсолининг ҳаётий асоси йўқлиги, халқ томонидан киритилган тимсол эканини кўрсатган.

Бобур берган маълумотга кўра Навоий шоҳ хазинасидан оладиган маошини ҳам олмаган. Ўзи тез-тез шоҳ хазинасига эхсонлар қилиб турган. «Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзога куллий маблағлар пешкош килур эди».

Навоий Ўрта Осиёда Хўжа Ахрордан кейинги энг бой одам эди. Унинг бир кунлик даромади ўн саккиз минг динор эди. Бу бойлик Навоийга шоҳ томонидан инҳом қилинган ерлардан келар эди. Навоий бу бойликлар ҳисобидан масжид, мадрасалар қурдирди, кўприк ва йўллар барпо этди, бева-бечораларда турли инъомлар қилиб турди, ихтидорли кишиларни қўллаб-қувватлади.

«Бобурнома»да Навоий қурдирган иморатлар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди: Алишербекнинг ўлтурур уйлари, «УНСИЯ»дерлар, макбара ва масжиди жоминининг «Қурсия» дерлар, мадраса ва хакакоҳким «Халосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва доруш-шифосиниким «Софоия» ва «Шифоия» дерлар».

Бобур Андижон шаҳри ҳақида маълумот берар экан, шундай ёзган: «Эли турлтур, шаҳар ва базорасида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалаш бирла ростур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусанкафоти бовужудким Хирида кашъу нашо топибтур, бу тил биладур.»

Бобур Навоий асарлари тилига Андижон шеваси асос бўлган деган фикр айтмоқда. Бобурнинг бу фикри кўпчилик олимлар диққатини тортган. В.В. Бартольд бу фикрини ўша даврдаги маданий шаҳар бўлган Андижонда тўғри тил, яъни адабий тилга яқин тил билан гапиришган деб тушунмоқ керак, дейди. У Навоий Андижонда бўлган эмас деб кўрсатади. П.Т. Мелпоранский сингари тилшунослар Навоий тилига қайси шева асос бўлганини аниқлаш масаласига ишончсизлик билан қарайдилар.

А.Ю.Якубовский, Н.К. Юдалик, В.Абдуллаев, Х.Раззоков, Х.Донёров каби олимлар Навоий асарлари тилига Андижон шеваси асос бўлганини айтадилар.

Бизнингча, Навоий асарлари тилига бир шевагина асос бўлган дейиш тўғри эмас. «Мухокамат-ул луғатайн» асарини ўрганиш шуни кўрсатадики, Навоий туркий тил шеваларини пухта билган, туркий тил бойлигини кўрсатишда улардан кенг фойдаланган.

Шунинг учун В.В.Бартольд таъкидлаган Андижон шеваси Навоий асарлари учун асос бўлиш билан бирга, Навоий бошқа шевалардан ҳам

фойдаланган. Бунга қўшимча, Навоий асарлари тилида Хирот адабий-мактаби шоирларнинг оғзаки ва ёзма нутқлари ҳам катта хизмат қилган.

Навоий камолотида унинг ҳомийлари ҳам катта роль ўйнаган. Навоийга Абдулқосим Бобур, Ҳусайн Байқаро, Аҳмад Хўжабек, Кажот Турбатий каби кишилар ҳомийлик қилганлар. Навоийнинг Машҳад, Самарқанд мадрасаларида ўқиган чоғлари шаҳар хомиси Аҳмад Хўжабек Навоийни қўллаб турган. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай маълумотлар учрайди: «Мир Алишер Навоий Хиридин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Хожибек бина бўлур эди». У «Вафойи таҳаллуси билан шеърлар ёзар эди».

«Бобурнома»да Навоий ва Аҳмад Хожибек муносабатлари берилса-да, Навоий ва Камол Турбатий муносабатлари берилмаган. Навоий Машҳад шаҳрида Ҳусайн Байқаро билан бирга мадрасада таҳсил олар эди. Хирот тахтига Абу Саид Мирзо ўтиргач, Навоийлар мол-мулки мусодара қилинди. Ҳусайн тахти эгаллаш илнжида Нашъаддин кетди. Алишернинг талабалик чоғлари моддий қашшоқликда кечди.

Бир кун аҳвол шу даражада етдики, Алишер бетоб бўлиб, ғарибхонадан жой олди. Машҳаднинг бой –бадавлат одамлари ғариблар ҳақидан хабар олгани кирадилар. Шунда улар деворга ёзилган бир байт юзасидан тортишиб қоладилар.

Кекса киши бир томон, ёшлар бир томон бўлиб баҳс қиладилар. Шунда бирчакда ётган бир йигит яқин ўрнидан туриб, улардан узр сўрайди. Байтининг мазмуни жуда осон, содда қилиб тушунтириб, ёшлар ҳақ эканлигини исботлаб беради.

Шунда кекса киши бу йигит олдига олиб унга таҳсин айтади. Унинг ким эканини сўраб суриштири., у билан танишади. Шу-шу улар қадрдон дўст бўлиб қоладилар. Йигит машҳадан кетгунча, бу киши унга моддий ва маънавий кўмак бериб туради. Бу кекса киши Машҳаднинг машҳур шоири Камол Турбатий эди, ёш талаба йигит эса Алишер Навоий эди.

Навоийнинг Самарқандга келиши масаласи ҳам «Бобурнома»да қайд этилган: «Балмаж не жарима билан дурким, Абу Саид Мирзо Алишербекни Хиридин Самарқандга ихром қилди». Бобур чиндан ҳам Навоийнинг нима сабабдан сургун қилинишини билмас, эдими? Навоий нега сургун қилинди? У замон одатига кўра мадрасани тугатган кишилар саройида хизмат қилар эди. Навоий Машҳод мадрасасини тугатиб Хиротга қайтди. Аммо Абу Саид Мирзо Навоийни саройга хизматга олмади. Бунинг сабаби шундаки, Навоийнинг отаси Абулқосим Навоий саройининг одами эди. Иккинчидан эса, тахтни эгаллаш учун атрофда қўшин йиғиб юрган эди.

Бобур бу масалаларни тилга олса, бобоси Абу Саид мирзо ҳақида салбий гап айтиши зарур эди. Шунинг учун ўзини билмаганликка олган.

«Бобурномада» Навоий ҳаётининг сўнгги куни шоирнинг вафоти ҳақида шундай маълумот учрайди: «Султон Ҳусайн мирзо Айрабод черикидин ёнғонда истиқболга келди, мирзо била кўрушуб қўлқунча, бир ҳолати бўлди қўлолмади, кўтариб элтдилар. Табиблар асло ташхис қила

олмадилар. Тонг ласиға-ўқ тангри раҳматиға берди. Бир байти ҳасби ҳол воқиё бўлубтур:

Бу дард илаки ўлармен, мароз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилғойлар» .

«Бобурнома»да келтирилган бу мухтасар маълумот замирида куйидаги воқеалар ётади. 1500 йилнинг ёзида Ҳусайн Байқаро Астрабодда бош кўтарган ўрға Муҳаммад Ҳусайнга қарши кўшин тортади, Ҳиротда Амир Муборизиддин билан Алишер Навоий қоладилар.

Ҳусайн Байқаронинг бу юриши узокқа чўзилмайди, шу йилнинг декабрь ойида ота ва ўғил ўртасида сулҳ тузилиб, шоҳ пойтахтга қайтаётгани ҳақида хабар келади.

Шу муносабат билан «Томут-таворих» муаллифи Навоий китобдорларидан бири бўлган Мавлоно Али Бурҳоний номидан куйидаги муҳим фактни келтиради: Ҳусайн Байқаронинг қайтиш хабари келгач, сахар вақтида у киши (Навоий) мени чақиртирди. Бир туркий ғазал ёзган экан. Менга «кўчир», деб буйруқ берди. Мен кўчирдим. Уни бир йигитнинг кўлига бериб, Мирзога юборди, ғазал мусаввадасини менга топширди. У ғазалда (шоир ўзининг ҳаётидан) тамом хайрлашув ҳолатини баён қилган эди». /азалнинг сўнги уч байти куйидагича:

Не кўзим ёрой ул оразни манзур айламак
Не тилим ҳадди онинг отини мазкур айламак.
Яъни ул кўнглимда, бор жонимда дард ўти эрур
Кўз била тилни анинг ишида маъзур айламак
Эй Навоий, қил фидо, жононгажон лоф эрур-
Ошиқ ўзни ишқ даъвосида машҳур айламак.

Мавжуд девонларда учрамайдиган бу ғазал шоирнинг умри охирида ёзилган сўнгги асардир.

Одат бўйича, Навоий шаҳарнинг бир қатор кўзга кўринган кишилари билан шоҳни кутиб олиш учун йўлга чиқади. Бу тарихий воқеаларни ўз кўзи билан кўрган тарихчи Хондамир шундай ёзади: «Бир фарсахга яқин юрганда соҳибқироннинг дабдабали ва кўркам миҳаффаси кўринди. Шу фурсатда, худонинг тақдири билан у зотнинг (Навоийнинг) муборак боши айланиб қолди. Олижаноб (Навоий) Амир Хожа Шихобиддин Абдуллони ўз яқинига чақириб, «мени сақлашдан ғофил бўлманг, аҳволим ўзгариб қолди», - деди.

Шу пайтда аъло ҳазратнинг (Байқаронинг) кўлини ўлишга етишмоқ учун отдан тушди. Тўсатдан етишган касалликнинг оғирлиги охирги чекка бориб қолгани ва юришга мадор қолмаганидан, мазкур амир ва Мавлоно Жалолиддин Қосим кўлтиқларига кириб, шу йўсинда илгари юриб, бошини баланд даражали подшо кучоғига кўя олди. Шу онда бу юксак касал сактага айланиб олий насабли Амирда қайтиб ҳаракат қилиш ва сўзлашга мажол қолмади».

Навоийнинг бу оғир аҳволини кўрган Хондамир тезда қон олиш зарурлигини айтади, табиблар подшоҳ билан келишиб, бир қарорга келгунларича вақт анча ўтиб қолади, қортиққа қон чикмайди.

Шу аҳволдаги шоирни ярим тунда ўз уйига олиб келадилар: эрта билан шаҳарнинг таниқли табиблари тўпланиб, қон олишга ҳаракат қиладилар, аммо ҳеч қандан ижобий ўзгариш бўлмайди. Уч кун бешаракат ётган Навоий 1501 йил 3 январда ҳаётдан кўз юмади. Шоир жасади унинг ўзи томонидан илгари шу ҳодиса учун куриб қўйилган Масжиди жоме гумбази остига қўйилади.

Илгари Навоий сарик касали билан ўлган деган фикр мавжуд эди. Бунинг сабаби шундаки. Навоийнинг сўнги шеърларида сарик ранги кўп учраган эди. Кейинги маълумотларга кўра Навоий қон босими (гиппертория) касаллиги билан вафот этган. Навоий ҳаётининг сўнги йиллари жуда оғир кечган. Устози ва дўсти Жомий вафоти шоирга жуда қаттиқ таъсир этган.

Бунинг устига саройдаги Хадичабегим, Низомллик, Мажиддидин интиланлари Навоий ва Хусайн Байқаро ўртасидаги зиддиятни кескинлаштирган. Бунинг устига, ёлғизлик Оллоҳга хос хусусият: ёши ўтиб қолган шоирлик ёлғиз яшаши осон кечмаган. Буларнинг ҳаммаси Навоийда қон босими касаллигини келтириб чиқарган.

Тоғлар бағрида яшаётган одамлар ундаги анвойи гуллар, турфа чечаклар ифорида, ранго-ранг жилосидан баҳраманд бўладилар. Гулу чечакларнинг энг сараси, энг гўзали тоғларнинг қуёшга яқин бўлган, соф ва беғубор ҳаволар эсадиган чўққиларда юз очади. Бу гўзалликдан баҳраманд бўлиш учун чўққига кўтарилиш заҳматидан, машаққатидан қўрқмаслик даркор. Бу гулу чечаклар жилосидан баҳраманд бўлган инсон маънавий бой бўлиб, қалби гўзаллик ва нафосат туйғуларига ошина бўлади.

Мумтоз адабиёт тарихидаги бу икки тоғ, бу икки чўққи бўлган Навоий ва Бобур ижодиёти ана шундай гўзаллик ва нафосат чўққисидир. Истиқлол ана шу юксакликларга кўтарилиш имконини берди. Ана шу тоғларга, чўққиларга кўтарилиш, бундаги гулу чечаклар завқидан баҳраманд бўлиш барчага насиб этсин.